O'zingni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 6-aprel, chorshanba ● № 14 (714) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

## МАТОНАТ СИНОВИ

Бағрикенглик, инсонийлик ва ўзгалар қайғусига шерик бўлиш халқимизга хос фазилатлардан саналади. Японияликлар бошига тушган оғир мусибат узоқ йилларидан бери ҳамкорлик қилиб келаётган Ўзбекистоннинг ҳеч бир фуқаросини бефарқ қолдиргани йўқ.

5-бет

## БУ — МЕНИНГ ЮРТИМ



Андижон шаҳрида ҳам улуғвор қурилишлар амалга оширилди. Боғишамолдаги Бобур боғи, Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи, Чўлпон боғи, сайр қилиб кўзинг яйрайдиган, дилинг тўлиқадиган хотира майдони, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳайкали ўрнатилган файзли майдон, ҳашаматли теннис корти биноси ва уни ўраб турган дам олиш сайргоҳи... Меҳмон етаклаб мақтансанг мақтангудай юрт...

6-бет

## ҲАР КАМЧИЛИКНИНГ ЎЗ ЭГАСИ БОР

Мен хусусий киностудиялар фаолиятига мутлақо қарши эмасман, фақат сифат-савия масаласи, маданият масаласи у студияларда анча оқсоқ. Кино саноатини йўлга қўйиш — катта жараён. Унга босқичма-босқич эришилади.

7-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **4 апрель куни давлатимиз Президенти Ислом Каримов «Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Қонунга имзо чекди.**

■ 5 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

■ **31 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Оқсаройда Кувайт Давлати, Тожикистон Республикаси, Украина ҳамда Польша Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Халаф Мижбал Бузахир, Музаффар Ҳусейнов, Юрий Савченко ва Мариан Пшезьдзецки ишонч ёрлиқлари топширди.**

■ 25-31 март кунлари Саудия Арабистони Подшоҳлигида Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

✓ Касаначилик

## ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМАКДОШИ

**Бухоро вилояти Шофиркон туманида фаолият кўрсатаётган "Оилани ижтимоий ҳимоялаш" марказида қишлоқ аёлларига, таълим муассасаларини битирган қизларга каштачиликни ўргатиш фаол йўлга қўйилган.** Бухоронинг ўзига хос каштачилик мактаби анъаналарини давом эттириб келаётган Ойсара Рўзиева раҳбарлик қилаётган мазкур марказга хотин-қизларнинг қизиқиши тобора ошмоқда. Бу ерда ҳунар ўрганиб, мустақил равишда тадбиркорлик ҳамда касаначилик фаолияти билан шуғулланаётган аёллар сафи кенгайиб бораётир.

**Суратда:** *(чапдан) Ойсара Рўзиева шогирди Каромат Аҳмедова билан.*

**Т.ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат**

## УСТА ОЧГАН КОРХОНА

*Наманганлик дурадгор уста Насимжон Бобохўжаев мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига яратилган кенг имкониятлардан самарали фойдаланиб, хусусий корхона ташкил этди.*

Уста ёғочни тилиш, силлиқлаш, турли шакллар бериш, нақш солиш ва улашда ишлатиладиган бир неча ускуналарни ясаб, ўзига хос ишлаб чиқариш линиясини вужудга келтирди. Уларнинг техник ва санитария ҳолати, хавфсизлиги борасида тегишли идораларнинг хулосаларини олди. Сўнг "Изумруд мебель" хусусий корхонасини очиб, ёғочни қайта ишлаш ва мебелсозлик фаолиятини йўлга қўйди. Ҳозир бу ерда ўн киши доимий иш билан таъминланган.

**(ЎзА)**

**Мамлакатимизда замонавий илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жорий этиш ва шу орқали иқтисодиётимизни янада юксалтириш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларнинг изчиллигини таъминлашда муҳим дастуриламал бўлаётир.**

## ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ – ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамкорлигида ўтказилган «Инновацион ғоялар, технологиялар, ишланмалар — ишлаб чиқаришга» мавзуидаги кўргазмали семинарга вилоят тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари таклиф этилди. Унда 200 нафардан зиёд олим ўзининг уч юздан ошиқ инновацион ишланмалари билан иштирок этди. Кўргазмада қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, тиббиёт, фармацевтика ҳамда фантаълим йўналишлари бўйича намойиш этилган лойиҳалар ишлаб чиқаришдаги аҳамияти ва иқтисодий самарадорлиги билан барчанинг эътиборини тортди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Андижон-Наманган илмий маркази олимлари томонидан намойиш этилган янги қурилма — сувни юқорига кўтарувчи гидронасос, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти олимлари тақдим этган уруғлик чигитни сараловчи ускуна ҳамда майда уруғларни саралайдиган ва карантин қўшилмаларидан тозалайдиган триобиоэлектрик қурилма фермерларда катта қизиқиш уйғотди.

Андижон вилоятидаги «Vodiy biofarm» хусусий корхонасининг бир неча турдаги гигиеник ва тиббиёт ваталари, «Isotonik farm» савдо фирмаси томонидан махсус технология асосида тайёрланаётган сифатли, нисбатан арзон физрастворлар шифохона ҳамда дорихоналарга етказиб берилмоқда.

— 2010 йилда корхонамизда 500 минг флакон маҳсулот тайёрланди, — дейди «Isotonik farm» савдо фирмаси раҳбари И. Фозилов. — Бундай маҳсулотлар Фарғона водийси вилоятларига илгари асосан пойтахтимиздан келтирилар эди. Уларнинг маҳаллий шароитда тайёрланиши ҳар томонлама қулай бўлди.

Андижон қишлоқ хўжалик институти олимлари эса пахта ва бошоқли дон уруғчилиги, сув хўжалиги, ўсимликларни ҳимоя қилиш, механика йўналишлари бўйича 14 лойиҳа тақдим этди. — Машина деталларини тиклаш ва чидамлилигини ошириш учун плазма ёйи ёрдамида пайвандлаш ва қоплаш қурилмаси қишлоқ хўжалик техникасининг яроқлилик муддатини узайтириб, иш унумдорлигини оширишга хизмат қилади, — дейди қурилма муаллифи, техника фанлари номзоди С. Пўлатов.

Кўргазмали семинарда инновацион лойиҳалар муаллифларининг маърузалари тингланди. Фермер ва тадбиркорлар ишлаб чиқаришни илм-фан ютуқларига таяниб ташкил этиш юзасидан билим ва тушунчаларини бойитди.

Тадбир доирасида қарийб 200 миллион сўмлик ўттизга яқин ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

**Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, (ЎзА)**

✓ Концепция: ғоя, мақсад ва вазифалар

## "Хабеас корпус" институти

### уни қўллаш соҳасини янада кенгайтириш масалалари

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири — бу инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва шахсий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларини самарали муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади. Зеро, ҳар қандай демократик давлатда суд тизими инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган механизмнинг асосини ташкил қилади. Шу боис, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатларини жиддий тарзда кучайтириш мақсадида Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимидаги устувор йўналишларга тўхталиб, "...бошқа демократик давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини ҳам судларга ўтказиш керак", дея таъкидлаган эди.*

Ушбу ғоянинг амалий ифодаси сифатида 2005 йил 8 августда давлатимиз раҳбарининг "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди ва унда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи 2008 йил 1 январдан эътиборан судлар ваколатига ўтказилиши белгиланди. Шунингдек, Фармонда белгиланган вазифани қонунчилик йўли билан ҳал этиш мақсадида 2007 йил 11 июлда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

2 »

ОБУНА — 2011

## Қадрли юртдошлар!

**Азиз муштарийлар!**

**"HURRIYAT" газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир.**

**Маълумингизки, 2011 йил учун обуна давом эттирилмоқда.**

**"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ**

***Эслатиб ўтамиз:***

**"HURRIYAT"** ***нинг нашр индекси — 233***

# ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

✔ Нуқтаи назар

## Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш зарурати

*Ҳозирги пайтда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш глобал муаммолардан бири ҳисобланади. Жаҳон озиқ-овқат дастури маълумотига кўра, айни пайтда дунёнинг 80 та мамлакатида 73 миллион киши озиқ-овқатдан ёрдам кўрсатилишига муҳтож бўлиб турибди. Ҳар йили дунё бўйлаб минглаб гектар майдонлардаги унумдор ерлар ҳажми камайиб бормоқда. Қурғоқчилик, шўрланиш, чўлланиш ва бошқа бир қатор иқтисодий ва экологик омиллар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.*

Сўнгги 50 йилдан бери қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми ўсгани ҳолда агробизнес услубларининг ўзгармай қолаётгани нафақат фермерларга, балки атроф-муҳит ва экологик барқарорликка ҳам мисли кўрилмаган даражада путур етказди. Айниқса, охирги 40 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда антропоген технологияларининг қўлланиши окибатида сайёрамиздаги унумдор ерларнинг учдан бир қисми яроқсиз ҳолга келиб қолди. Шунинг учун ҳам аграр соҳани ислоҳ қилиш, уни замонавий, зарарсиз технологиялар билан таъминлаш барча мамлакатлар олдида турган долзарб вазифалардан бирига айланди.

Маълумки, дунёнинг аксарият мамлакатларида қишлоқ хўжалиги давлат иқтисодиётининг асосий негизи ҳисобланади. Жаҳон савдо ташкилоти маълумотига кўра, 50 дан ортиқ ривожланаётган давлатлар экспортининг 1/3 қисмини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил этади. Бундан ташқари, яна 40 та ривожланаётган давлат экспортидан келадиган даромаднинг тенг ярми айнан қишлоқ хўжалигидан олинади. Нафақат ривожланаётган давлатлар, балки бир қатор ривожланган давлатларда ҳам қишлоқ хўжалиги иқтисодий ўсишнинг асосини ташкил этади. Хусусан, Европа Иттифоқи умумий ҳудудининг 91 фоизини экин майдонлари ташкил этади. Аҳолисининг 56 фоизи қишлоқларда яшайди. Европа Иттифоқи дунёнинг энг йирик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт ҳамда импорт қилувчилар қаторига киради.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг ҳам аксарият қисми қишлоқ жойларида яшайди, умумий ишлайдиганларнинг ярми айнан аграр секторда хизмат қилади. Агар статистик рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, республикамизда ялпи ички маҳсулотнинг салкам юз фоизи айнан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирадиган хусусий сектор ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатимизда 2010 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2009 йилдагига нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробар ошган.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни эса хомашё билан таъминлашнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади. Соҳада амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар, **биринчидан,** қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзини, моддий фаровонлигини яхшиланишига таъсир қилиш билан узвий боғлиқ бўлса, **иккинчидан** қишлоқда яшовчи меҳнатга яроқли аҳолини, айниқса, қишлоқ хотин-қизларини ва ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, шу тариқа аҳолининг реал даромадларини ошириш, шартнома асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчиларга меҳнат дафтарчаларини очиш ҳамда уларнинг белгиланган ёшга етганда нафақа олиш ҳуқуқини таъминлашга эришишга қаратилган ижтимоий аҳамиятга ҳам эга бўлади. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ана шундай эътибор ва амалий ёрдам туфайли пахта ҳосилдорлиги ўтган йили 2003 йилдагига нисбатан 4,9, ғалла ҳосилдорлиги эса 9,5 центнерга кўпайди.

Фермер хўжаликларининг аҳолини иш билан таъминлаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришдаги аҳамияти ортиб бормоқда. Бугунги кунда юртимизда фаолият юритаётган 80 мингдан зиёд фермер хўжаликларида 1,5 миллион киши меҳнат қиляпти. Истеъмол бозоридаги озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келяпти.

Ривожланган давлатларнинг қонунчилик тажрибасини инобатга олиб қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонун ҳужжатларини унификация қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Қишлоқ хўжалиги тўғрисида"ги Қонунини қабул қилиш тартибига оид нормалар ҳам ўрин олиши зарур. Бундан ташқари, қонунчилик техникаси нуқтаи назаридан, қонун лойиҳасида низоларни ҳал қилиш, қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик, қонун ҳужжатларини ушбу қонунга мувофиқлаштириш кабилар назарда тутилиши мақсадга мувофиқдир.

Ушбу қонун лойиҳаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш соҳасидаги энг устувор қонун бўлгани сабабли унда бошқа жуда муҳим қоидалар ҳам муайян изчилликда ўз ифодасини топиши лозим. Энг муҳими, қонун лойиҳаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва модернизация қилишнинг давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга оширишни, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни, саноатни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган тизимлаштирилган ҳуқуқий нормаларни ўзида мужассамлаштиради.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг "Қишлоқ хўжалиги тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши қишлоқ хўжалигини модернизация қилишни ҳуқуқий таъминлашга, аграр тармоқда товар ишлаб чиқарувчилар ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда соҳага оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш имкониятини яратади.

**Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ,**
**юридик фанлари доктори, профессор**

## "ХАБЕАС КОРПУС" ИНСТИТУТИ

### уни қўллаш соҳасини янада кенгайтириш масалалари

*(Бошланиши 1-бетда.)*

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокуратура органларидан судларга ўтказилгани ўз вақтида ва пухта ўйлаб қабул қилинган қарор экани ўз исботини топмоқда. Хусусан, 2008 йилнинг январидан буён судлар томонидан дастлабки тергов органларига 700 мартадан ортиқ ҳолатда мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилингани ёки қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида қаноатлантирилган илтимосномалар сони 2010 йилда 2009 йилдагига нисбатан 19,6 фоиз камайгани буни яққол тасдиқлаб турибди.

Суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларини самарали таъминлашга қаратилган ислоҳотларнинг бугунги босқичи Юртбошимиз томонидан 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида таклиф этилганидек, судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш вақти етганини кўрсатмоқда. Демак, эндиликда лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш амалдаги қонунчиликда белгиланган каби суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими асосида эмас, балки айнан судьянинг санкцияси асосида амалга оширилиши, қолаверса, санкция беришга фақат судья ваколатли экани белгиланиши лозим бўлади.

Лавозимдан четлаштириш жиноят процессида қўлланиладиган процессуал мажбурлов чораларидан бири бўлиб, у айбланувчи ва судланувчига нисбатан, агар улар ўз иш жойида қолса, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўсқинлик қилади ёки жиноий фаолиятини давом эттиради, деб ҳисоблашга етарли асослар бўлганда қўлланилади. Бундай ҳолатда лавозимидан четлаштирилган шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш каби Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида белгиланган қатор ҳуқуқлари қонунда белгиланган асосларга кўра чекланади. Чунончи, Конституциянинг 19-моддасида белгиланган нормага кўра, фуқароларнинг Конституция ҳамда қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Шунинг учун ҳам лавозимдан четлаштириш фақат судьянинг санкцияси билан қўлланиши мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда хорижий давлатлар жиноят процессуал қонунчилигини кузатадиган бўлсак, Францияда айнан лавозимдан четлаштиришга ўхшаш чора судьянинг ташаббуси билан, шунингдек, айбловчининг таклифи ёки манфаатдор иштирокчиларнинг илтимосномаси билан суд томонидан қўлланилади. АҚШ, Германия қонунчилигида ҳам айбланаётган шахс судьянинг қарори билан шартли равишда вақтинчалик лавозимидан четлаштирилиши мумкин. Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 114-моддасига мувофиқ вақтинча лавозимдан четлаштириш терговчи томонидан тергов органи бошлиғининг, суриштирувчи томонидан прокурорнинг розилиги билан судга юборилган тақдимномасига асосан суд томонидан қўлланилади.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш жиноят процессида қўлланиладиган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита чекловчи процессуал мажбурлов чораларидан бири ҳисобланади. У амалдаги қонунчиликка мувофиқ, прокурор розилик берган суриштирувчи ёки терговчининг қарорига, прокурорнинг қарорига ёхуд суднинг ажримига асосан қўлланади. Мазкур мажбурлов чораси шахс эркинлигини бевосита чеклагани учун ҳам судьянинг санкцияси билан қўлланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Мазкур масалага оид хорижий давлатларнинг қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, Германия, АҚШ ва Францияда шахсни тиббий муассасага жойлаштириш прокурорнинг мурожаати ёки илтимосномаси бўйича суд томонидан амалга оширилади. Россия Федерацияси ва Беларусь Республикасида ҳам тиббий характердаги мажбурлов чораси суднинг санкцияси асосида қўлланилади.

Қайд этиш жоизки, ҳар иккала процессуал мажбурлов чорасини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибининг жорий этилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради.

Шу ўринда лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибини белгилаш таклифи қуйидаги қатор объектив сабаб ва омилларга асосланганини айтиш мумкин:

*биринчидан,* суриштирув, дастлабки тергов ва прокуратура органлари асосан жиноятчиликка қарши курашувчи, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ва судда давлат айбловини қувватловчи идоралар ҳисобланади. Шу сабабли бундай ҳолат суриштирув, тергов ва суд амалиётида фуқаролар эркинлиги ҳамда дахлсизлигини таъминлаш учун янада холис ва самарали механизм жорий этилишини тақозо этди;

*иккинчидан,* лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўлланиши, дастлабки тергов устидан суд назоратини олиб боришнинг самарали усулларидан бири ҳисобланади. Бундай тартиб дастлабки тергов босқичидаёқ инсон ҳуқуқлари бузилиши, қонунга хилоф равишда шахсни лавозимдан четлаштириш ёки шахсни тиббий муассасага жойлаштиришга чек қўйишга, пировардида эса суриштирув ва тергов органлари ходимларининг масъулиятини, дастлабки тергов сифатини оширишга хизмат қилади;

*учинчидан,* судьялар мустақил ва фақат қонунга бўйсунади. Суд тергов органидан ёки прокурор назоратидан ҳам мустақил равишда фаолият кўрсатади. Шу боис, лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллашда судларнинг холис бўлиш имкониятлари кенгроқ. Фақат уларгина инсоннинг Конституция ва қонун билан мустаҳкамланган ҳуқуқларини чеклаши ёки улардан маҳрум қилиши мумкин;

*тўртинчидан,* бундай тартиб халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига, жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 10-моддасида белгиланган "Ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда суд томонидан мустақил ва холис кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга" ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 2-моддасида белгиланган "ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ...ҳар қандай шахс учун суд орқали ҳимояланиш имкониятини ривожлантиришни ўз зиммасига олади", деган нормаларга тўла мувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ижобий ўзгаришлар халқаро ҳамжамиятнинг ҳам юксак эътирофига сазовор бўлаётганини қайд этиш лозим. Чунончи, Сингапур халқаро тадқиқотлар мактаби доктори Арабинда Ачарьянинг "Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши, "Хабеас корпус" ва ярашув институтларининг таъсис этилиши мазкур ислоҳотларнинг нечоғли самарадорлигининг яққол далолатидир", деб юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларга ўзининг холис фикрини баён этган.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, юқоридаги ислоҳотлар Ўзбекистонда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтарилганини яна бир бор тасдиқлайди.

**Нодир МУХТОРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди**

✔ Миллат келажагига ғамхўрлик

## Фарзандлар камолоти йўлида

2007 йил 23 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилингани юртимизда болалар ҳуқуқини белгилаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва кафолатлашда муҳим қадам бўлди. Бу билан БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида белгиланган фундаментал принциплар ва қоидалар миллий қонунчилигимизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилди.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ижодий-интеллектуал имкониятларини рўёбга чиқариш, уларни ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб воягa етказиш мақсадида 2010 йил "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинди. Шу муносабат билан алоҳида Давлат дастури тасдиқланди. Ушбу дастурнинг асосий вазифаларидан бири болалар ва ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга, келажагимиз ворисларини баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш деб белгиланди. Шу мақсадда бир қатор янги қонунлар қабул қилиниб, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида маромига етказилган ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақидаги" қонун ёшлар ўртасида жиноятчилик билан боғлиқ вазиятни яхшилаш, уларнинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари олдини олишга қаратилди. Унда вояга етмаганларнинг тунги вақтда ота-оналаридан бирининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз ресторанларга, кинотеатрларга, интернет ва компьютер залларига, кўнгилочар тадбирлар ўтказиладиган бошқа биноларга киритганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. Қонунчилик соҳасида олиб борилаётган бу каби ислоҳотлар болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади.

**Ўктамхон ҚОДИРОВА,**
**"Оила" маросимлар маркази директори**
*Тошкент шаҳри*

## Бетимсол бойлик

Мамлакатимизда ёшларга берилаётган имтиёзлар ва қулайликлар бугунги кунда ҳеч бир мамлакатдан қолишмайдиган даражага етди. Айниқса, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ана шу ғамхўрликка яққол бир далилдир.

Қонун 32-моддадан иборат бўлиб, унда бола ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатлар тартибга солинган. Қонундаги асосий тушунчалар унинг мазмун-моҳиятини ойдинроқ тушуниб олишга имкон бергани ҳам айни муддаодир. Масалан, бола (болалар) — ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар), боланинг қонуний вакиллари — ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар, васийлик ва ҳомийлик — ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларни уларга таъминот, тарбия ҳамда таълим бериш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли каби қатор изоҳли тушунчалар қонун моддаларини оддий кишилар учун ҳам тушунарли бўлишини таъминлаган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳар бир болага инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқлари эркинликлари тегишли эканлигини, бу ҳуқуқ ва эркинликлар давлат томонидан кафолатланишини таъминлайди. Давлат болаларни барча шакллардаги камситишлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш учун зарур чораларни кўради. Уларнинг шахсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари кафолатлари қонунда аниқ баён қилинган. Масалан, 8-моддада «яшаш ҳуқуқи ҳар бир боланинг узвий ҳуқуқидир, бола ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир» деб кўрсатилган. Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатлари 20-моддада ўз ифодасини топган.

Ёшлар — ҳар бир юрт ва миллатнинг бетимсол бойлиги, буюк салоҳияти ҳамда куч-қудрат манбаи экан, тараққиётга интилаётган ҳар қандай жамият у ҳақда ғамхўрлик қилишни биринчи галдаги вазифаси деб билиши табиий. Зеро, Президентимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган гапларида Ўзбекистонда ёш авлодни тарбиялаш борасидаги давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти тўла акс этган.

**Гулбаҳор СОБИРОВА,**
**8-сон давлат нотариал идораси нотариуси**
*Урганч шаҳри*

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47, Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

Бунёдкорлик

# Воҳа қишлоқлари чирой очмоқда

Бугун кўҳна ва ҳамиша навқирон Хоразм воҳасининг қайси бир шаҳар ва қишлоғига, қай бир гўшасига борманг, қурилиш ишлари кўлами кенгайиб, бунёдкорлик авж олаётганининг гувоҳи бўласиз. Хусусан, Президентимизнинг «Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида вилоятда намунавий лойиҳалар асосида замонавий турар жойлар бунёд этилмоқда. Ҳозиргача Боғот, Хива ва Хонқа туманларида ўнлаб ана шундай уйлар қуриб, фойдаланишга топширилди.

Наврўз айёми арафасида кўплаб оилалар вилоятнинг қишлоқ жойларида қад ростлаган замонавий уйларга кўчиб ўтдилар. Бу турар жой биноларида муҳандислик тизими тўлиқ бажарилган бўлиб, хонадонлар электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви билан таъминланган. Шу билан бирга, янги турар жой массивларида мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, савдо, тиббиёт ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриляпти. Масалан, Боғот туманида барпо этилган «Хўжалик» деб номланган янги турар жой массивида 624 болага мўлжалланган мактаб биноси, маҳалла гузари бунёд этилди. 65 ўринли мактабгача таълим муассасаси, қишлоқ врачлик пункти аҳолига хизмат кўрсатаяпти. Бу ерда янги ҳаммом қурилиши ҳам режалаштирилган.



Хива туманидаги Журён қишлоғида бунёд этилган турар жой биноларида ҳам аҳолига барча қулайликлар яратиб берилган. Бу массивда янги мактаб, болалар боғчаси, маҳалла гузари қурилиши амалга оширилмоқда. Тумандаги Шомоқулум қишлоғида эса икки қаватли 45 та турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Ана шундай уйлардан яна ўнтаси қурилади.

Маълумки, тадбиркорлар иқтисодиётимизнинг энг муҳим соҳаларида фаолият кўрсатишяпти. Улар томонидан кўпгина иншоотларнинг барпо этилаётгани эса қувонарли ҳол. Янгиариқлик тадбиркор, хусусий корхона раҳбари Жуманиёз Отажонов ўз маблағи ҳисобидан «Чокар» маҳалласида 600 ўринли муҳташам тўйхона қурди. Шуниси диққатга сазоворки, бу тўйхона кам таъминланган оилаларнинг тўй-ҳашамларини ҳомийлар кўмагида ўтказишга мўлжалланган. Тадбиркорлар томонидан Хонқа туманидаги Остона, Гурлан туманидаги Вазир қишлоқларида янги маҳалла гузарлари ва тўйхоналар қад ростлади.

Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки, ҳозирги кунда Хоразмда 30 мингдан кўпроқ кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорлар фаолият кўрсатишяпти. Улар жойларда янги иш ўринлари яратишда ҳам хайрли ишларга қўл уришяпти. Бир мисол: Урганч туманидаги «Йўлдош танобчи» хусусий фирмаси турли хил рўзғор анжомлари, мебеллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ҳозир у ўндан зиёд маҳсулотлар ишлаб чиқаряпти. Шу йилнинг ўтган ойларида корхонада 20 та иш ўрни яратилди.

Бунёдкорлик тўғрисида гап кетганда, воҳада амалга оширилаётган яна бир ибратли ишни тилга олмасдан бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2010 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида воҳадаги 15 та мусиқа ва санъат билим даргоҳининг 7 таси учун янги бино қурилиши ниҳоясига етказилди. 8 таси эса бутунлай қайта таъмирланди. Бунинг учун 14 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Ҳа, Хоразмда бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайиб, кўкламнинг илиқ, тароватли кунларида қуриш-яратиш, ободонлаштириш ишлари янгича мазмун кашф этяпти.

**Тузалбой РАҲИМБОЕВ,**
**«Hurriyat» мухбири**

*Мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналаридан бири «Навоий иссиқлик электр станцияси» ОАЖда бугун ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш, рақобатбардошликни ошириш, энергия тежашнинг самарали йўлларини жорий этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.*

МОДЕРНИЗАЦИЯ:

## ЭҲТИЁЖ ВА ТАЛАБ

Вилоятнинг эркин индустриал иқтисодий зонага айлантирилиши нурчилар зиммасига улкан масъулият юклади. Бу ерда янги-янги лойиҳалар асосида замонавий қувватларни ўрнатиш учун тайёргарлик ва қурилиш-монтаж ишлари аллақачон бошлаб юборилган.

— Испаниянинг «Initek Energia» ва Туркиянинг «Calik enerji» компаниялари билан шартнома имзоладик. Японияниг «Мицибуси» компаниясида ишлаб чиқарилган, 478 мВт қувватга эга бўлган буғ газ қурилмаси танлаб олинди. Лойиҳа қиймати 336 миллион еврони ташкил этадиган ушбу қувватни 2012 йилнинг учинчи чорагида ишга тушириш кўзда тутилган, — дейди биз билан суҳбатда корхона раҳбари Қаҳрамон Ғаниев.

Корхона ҳудудида қурилиш ишлари асосан туркиялик ҳамкорлар билан амалга оширилмоқда. Уни катта тажрибага эга «Calik enerji» компаниясининг мутахассислари бажаришяпти.

— Компаниямиз Россия ва Украина давлатларида ҳам шу каби лойиҳалар устида иш олиб боришган. Қурилишга ишлатилаётган асосий хомашёларни ўша давлатлардан оляпмиз. Қурувчиларимизнинг ишлаши ва яшаши учун етарли шароитлар яратилган. Бунинг учун ўзбекистонлик ҳамкорларимизга миннатдормиз, — деди қурилиш участкаси раҳбари Мурат Касап ўғли.

Кенг дала улкан қурилиш майдонига айланган. Яқин келажакда бу ерда ихчам, марказлашган ҳолда компьютер тизимида бошқариладиган станция қад ростлайди.

**М.ШАРИПОВА,**
**«Hurriyat» мухбири**

Ижро

Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил этилган омухта ем сотиш бирлашмалари ва уларнинг жойлардаги шохобчалари чорва моллари боқувчиларга керакли озуқа — емни ўз вақтида олишлари учун қулайлик яратди.

## Сифатли озуқа етказиб бериляпти

Тўрткўл туманидаги "Тўрткўл сифатли озуқа" омухта ем сотиш масъулияти чекланган жамиятида 9 та шохобча мавжуд. Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида жойлашган бу шохобчалар орқали аҳоли ҳамда фермер хўжаликларига сифатли шрот, шелуха ва омухта ем арзон нархларда, энг асосийси, ортиқча ташвиш ва харажатларсиз етказиб берилмоқда.

— Шохобчаларимиз 180 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Ҳар ой давомида улар ихтиёридаги чорва моллари учун белгиланган меъёр асосида 40 тонна омухта ем, 400 тонна шрот ва 200 тонна шелухани шохобчаларимиз орқали етказиб бераяпмиз, — дейди масъулияти чекланган жамият раиси Ўринбой Йўлдошев. — Бунинг яна бир яхши томони — шохобчалар орқали сотилаётган маҳсулотлар туфайли аҳоли қўлидаги накд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишининг олди олиняпти.

Таъкидлаш ўринлики, аҳоли бир пайтлар қорамол озуқасини бозорлардан олганида сифатига ҳеч ким жавоб бермасди. Бизнинг шохобчалар орқали сотилаётган маҳсулотлар сифат кафолатига эга. Шунинг учун ҳам аҳоли ўртасида тарқатилаётган маҳсулотларимизнинг харидоргирлиги ошиб бораяпти.

**Акмал АЛЛАМУРОДОВ**
*Қорақалпоғистон Республикаси*

2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

# Имконият шарафи

### кечаги кетмончи давлатманд бўлди

*Маҳмуджон Матқосимов Ёзёвоннинг Тошҳовуз маҳалласида таваллуд топган. Улар оилада 9 ўғил, ҳаммасининг зуваласи хом, суяги қотиб улгурмаган эди. Шўро замони эмасми, ота-она қора терга ботиб зўр-базўр рўзғор тебратарди. Йил охирида бериладиган "отчёт пули"га рўзғор учун зарур маҳсулотлар харид қилинар, орзу-ҳавасга ўрин ҳам йўқ эди.*

Бугунги кунда эл-улуснинг эътирофи ва эҳтиромини қозониб яшаётган тадбиркор Маҳмуджон оилада иккинчи ўғил, мактабдан бўшади дегунча, отасининг ёнига шошар, далада кетмон билан тунни қаршиларди.

— Юртимизга омон-омон кунлар келиб, кўп қатори бизнинг оиламиз ҳам рўшноликка чиқди, — дейди Маҳмуджон ўтган кунларни хотирлаб. — Тадбир билан иш кўрсанг, яратилган шарт-шароитлардан мақсадли фойдалансанг, ҳамма орзу-ҳаваларинг рўёбга чиқар экан. Юртбошимизга минг раҳмат, тадбиркорликка кенг йўл очиб, ҳамма шароитларни муҳайё қилиб бердилар.

Маҳмуджоннинг бажарган ҳар бир иши замирида амалий кўрсаткичлар ётибди. У дастлаб кредит олиб, қишлоғида аҳолидан олинган пахтани титиб қайта ишловчи, қадоқловчи цех очди. Кейинчалик ишлаб чиқариш қувватларини оширди ва даромад кўрсаткичлари юқорилай бошлади. Шунингдек, ўнлаб маҳалладошларини янги иш ўринлари билан таъминлади.

Мана, бир неча йилдирки, тадбиркор Ёзёвон туманининг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиб келаётир. Унинг ўзи ҳам ҳалол ва самарали меҳнатнинг роҳатини кўриб яшаяпти. Саховатпешаликда эса туманда унинг олдига тушадигани йўқ, дейишади. Ижтимоий муҳофазага эҳтиёжманд оилалар аниқлангудек бўлса, у биринчилар қаторида моддий ёрдам кўрсатишга шошади.

Қишлоқлар ободончилигида, янги маданий-маърифий ва маиший хизмат нуқталарининг бунёд этилишида ҳам ҳиссаси салмоқлидир. У бир вақтлар ўзи ўқиган 34-сонли умумий ўрта таълим мактабини ўз ҳисобидан тўла реконструкция қилиш йўли билан қуриб берди. Поёнига етган 2010 йилнинг сўнгги кунларида эса тадбиркорнинг шахсий сармояси ҳисобидан лойиҳа баҳоси 400 миллион сўмдан зиёдроқ бўлган "Баркамол авлод маркази" мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Интернет-кафе, қизларни чеварлик ва пазандалик ҳунарларига ўргатувчи ўқув марказлари, турли йўналишлар бўйича консультация хоналари, савдо шохобчалари, шунингдек, катта-кичик тўйхона заллари, шинам ошхоналардан иборат ушбу мажмуанинг ишга туширилиши натижасида юздан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Ташландиқ жойда кўркам мажмуанинг бунёд этилиши туман аҳолиси, айниқса, ёшлар томонидан жуда катта қувонч билан кутиб олинди.

Туғилиб ўсган гўшасининг ободлигига ҳисса қўшаётган Маҳмуджон сингари инсонлар сафи кенгаяверсин.

**Солиҳ ҚАҲҲОРОВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

Қонун барчага баробар

## СОХТА БИЗНЕС СОҲИБЛАРИ

Судланувчи Н.Қ. суд мажлисида бизнесдаги шериги Б.М.ни қаллобликда, зўравонликда айблади. Гўёки Б.М.нинг қўрқитиш ва найранглари орқали бугун у қора курсида ўтирган эмиш...

Ҳаммаси бундан бир неча йил олдин, 2008 йилнинг ёз ойларида бошланган эди. Ўшанда икки шерик — "CIL" (барча исм-шарифлар ва номлар ўзгартирилган) хорижий компанияси вакили Б.М. ҳамда бугунги "қаҳрамон"имиз Н.Қ. танишиб қолишди. Анчагина ишбилармон кўринган хориж фирмаси вакили тадбиркорлик ниятида юрган Н.Қ.га яхшигина таклиф билдирди. Унга кўра, Н.Қ. йирик корхонанинг сохта директори бўлиши керак эди.

Тез орада "тақдим этилган" директорлик шунчаки директорлик эмаслиги аён бўлди. Пойтахтимиз марказида жойлашган "ТВМСҚ" ОАЖ йирик — 15 миллиард сўмдан ортиқроқ суммага тенг тендер савдосида қатнашиб, ғолиб чиқди. Бу ютуқ жиноятнинг бошланиш нуқтаси эди. Кейинги "нуқта"ларини корхона директорининг ўзи ҳам тушунмай қолди. Аввалига бошқа бир корхона — "ТМҚ"нинг ҳам директорлик вазифасини гарданига олган Н.Қ. бизнес ҳамкорининг маслаҳати билан икки корхона ўртасида сохта пудрат шартномаси тузди. Кейин аслида мавжуд бўлмаган дебиторлик қарздорлигини вужудга келтириб, баҳонада банкдан факторинг шартномаси асосида 70 миллион сўм кредит олди. Бу маблағлар бир неча таниш корхоналарнинг ҳисоб рақамларига ўтказилиб, нақдлаштирилди ва талон-торож қилинди.

Шундан сўнг ҳам тинчимаган "бизнесменлар" ўзаро тил бириктириб, янги режа устида бош қотиришди. Яъни, Тошкент вилоятидаги бир неча йирик иншоотларнинг қурилиши бўйича сохта пудрат шартномаларини имзолаб, ижрочи корхоналар ўртасида тузилган солиштирма далолатнома, кредиторлик қарздорлиги ҳақида маълумотнома ва бошқа ҳужжатларни сохталаштириш ҳамда банкка тақдим этиш орқали 300 миллион сўмлик факторинг кредитига эришишди. Бу сафар ҳам кредит маблағи турли корхоналар ҳисоб рақамларига ўтказилиб, нақдлаштирилди.

"Яхшига ёндаш, ёмондан қоч!" дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, тадбиркорликни ҳавас қилган Н.Қ.нинг юқорида тилга олинган фаолияти ҳам ушбу мақолга мо-нанд. Унга берилган узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш жазоси ва яна бир қанча қўшимча жазолар унинг шерикларига ҳам тааллуқли.

**Ўткир ҚОБИЛОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Тошкент шаҳар Бектемир туман бўлими бошлиғи**

## ТАМАКИФУРУШ ҚЎЛГА ТУШДИ

Савдо соҳасида фаолият юритаётганлар кўп. Аммо ҳалол меҳнат орқали тадбиркорлик қилиш бошқа, айланма йўллар орқали республикамизга олиб кирилган сифатсиз маҳсулотларни сотиб, пул топиш бошқа...

Шерали (исм-шарифлар ўзгартирилган) Қўйлиқ бозоридан керакли сигарета турларини тез-тез танлаб, сотиб олди. Сўнг ўзи савдо қиладиган Бўз бозорига шошилди. Бу ерда Шералини кўпчилик танийди. Чунки у бозорнинг олди тамакифурушларидан. Бозорга келиб маҳсулотларини машинадан туширгач, сотиш жойига отланган қонунбузарни нотаниш кимсалар тўхтатишди...

Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси тезкор ходимлари қонунбузар Ш.Турдиевнинг ўша ернинг ўзида қинғир ишини фош этишди. Унинг ёнида хорижда ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистон Республикаси акциз маркаси елимланмаган "Русский стиль", "Rich", "Muratti", "Parlament", "Marlboro" каби умумий қиймати 2 миллион 466 минг сўмлик 317 қути тамаки маҳсулоти борлиги аниқланди. Улар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Чилонзор тумани давлат санитария-эпидемиология назорат маркази хулосасига кўра, бу тамаки маҳсулотлари савдо ва истеъмол учун яроқсизлиги аниқланди. Қонунбузарнинг ўзи эса жиноий жавобгарликка тортилди.

**Ўктам ПИРМАТОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси бош суриштирувчиси**

## ҚИНҒИР ИШНИНГ ОХИРИ ВОЙ

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, мансаб сохтакорлиги ҳамда ҳужжатларни қасддан йўқ қилиш. Афсуски, фақатгина ноқонуний даромад топишни мақсад қилган "Гигант" МЧЖ раҳбари Р.Ризаев (исм-шарифлар ўзгартирилган) юқоридаги каби қонунбузилишларнинг барчасини содир этган.

Р.Ризаев аввалига "Гигант"ни умумқурилиш ташкилоти сифатида рўйхатдан ўтказди. Кейин "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Учтепа филиалидан асосий, ХОАТБ "Универсалбанк"дан иккиламчи ҳисоб рақам очтириб, улгуржи савдо фаолияти билан шуғуллана бошлади. Аммо турли хўжалик субъектларидан пул кўчириш йўли билан олинган 1 миллиард сўмликдан ортиқ харидоргир маҳсулотларни накд пулга сотиб, савдодан тушган пул маблағларини банкка топширмади. Шунингдек, жамият раҳбари солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашни ҳам "унутган". Натижада биргина қўшилган қиймат солиғининг ўзидан давлат бюджетига салкам 7 миллион сўм зарар етказилган. Қолаверса, "уддабурон" раҳбар текшириш пайтида қинғир ишларининг қийиғи чиқиб қолишидан қўрқиб, маълум вақт оралиғидаги барча бухгалтерия ҳужжатлари ҳамда корхонага тегишли бошқа ҳужжатларни қасддан йўқ қилиб юборган.

Жиноят жазосиз қолмайди. Қинғир ишга қўл урган қонунбузарга Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра жазо белгиланди.

**Руслан МАТЁҚУБОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Тошкент шаҳар Яккасарой туман бўлим бошлиғи ўринбосари**

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади
Телефон: (8 371) тел: 233-57-47; факс: 236-09-21
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

Партия матбуоти

# СОҒЛОМ РАҚОБАТ КЎЗГУСИ

Бугун мамлакатимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси, "Адолат" социал-демократик партияси, "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон Либерал демократик партияси ва қатор жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Шу аснода кўппартиявий матбуот нашрлари ҳам ҳуқуқий давлатчилик асосларини барпо этиш жараёнида шаклланиб боряпти.

Давлат ва жамият қурилишида сиёсий партияларнинг фаоллиги, жумладан, улар ўртасида кучайиб бораётган соғлом рақобат, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ўртасидаги ғоя ва дастурлар кураши уларнинг ўз нашрларида акс этмоқда. Партиялар ўз олдига қўйган дастурий мақсадларни амалга ошириш ҳамда электорат манфаатларини парламентдаги фракцияси орқали ҳимоя қилишда ҳам партия нашрлари жонбозлик кўрсатяпти. Бу эса, ўз навбатида, парламентнинг қуйи палатасида кечаётган жараёнлар билан бевосита ва доимий танишиш имкониятини ҳам юзага келтирмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кечаётган жараёнлар, қонунлар мазмун-моҳиятини жамоатчиликка кенг ва изчил етказишда партия газеталари баҳс-мунозаралар майдонига айланаётгани табиий ҳол. Партия нашрларида мавзулар кўлами, материалларнинг географик ва ҳудудий қамрови кенгайиб, мақолалар савияси, жанр ва мавзулар хилма-хиллиги яхшиланиб бораётгани кузатилади.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ўзининг "Ўзбекистон овози", "Голос Узбекистана" газеталари каби матбуот нашрларига эга. Бундан ташқари, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Самарқанд вилоят Кенгашлари муассислигида ҳам маҳаллий рўзномалар чоп этилади. Ушбу нашрларда асосий эътибор кўпмиллатли юртимизда тотувлик, ҳамжиҳатлик, биродарлик анъаналарини тарғиб этишга қаратилган.

ХДПнинг аёллар қўмиталари билан яқин ҳамкорлиги, ёшлар қанотининг фаоллашуви ушбу партияга ва, ўз навбатида, "Ўзбекистон овози" газетасига аёллар ва ёшлардан иборат электорат ҳамда тегишли ўқувчилар аудиторияси орасидаги таъсирини кучайтириш имконини бермоқда. Шунингдек, газета сўнгги пайтларда жамоатчилик ва парламент назорати, электорат манфаатларига оид материаллар, ўзини ўзи танқид, партиялараро рақобат ва фракция фаолияти, партия қурилиши мавзуларига бағишланган мақолалар билан яққол ажралиб турибди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг нашри — "XXI asr" газетаси ҳам ислоҳотларнинг янги босқичида партиянинг ўз фаолиятини янгича шакл ва мазмунда ташкил этиш билан бирга, партиялараро соғлом рақобат асосида ўз мақсад ва вазифаларини, ғоя ва қарашларини аниқ билдира олгани диққатга сазовордир. Бироқ, партиянинг сайловолди платформасида: "O`zLiDeP бозор муносабатлари эркинлигини ривожлантириш, бозор ислоҳотлари йўлига халақит бераётган тўсиқ ва ғовлар, иқтисодиёт соҳасидаги салбий ҳолатларга қарши кураш олиб бораверади; кредит олиш, ер майдонлари ажратиш, хусусийлаштириш жараёнларида рўй бераётган суиистеъмолчиликларга йўл қўймаслик чоралари амалга оширилади", дея таъкидланган. Лекин бу жараёнлар унинг босма нашрида етарли даражада ўз аксини топмаяпти. "Молия" саҳифасида банклар фаолияти тўғрисида туркум мақолалар бериб борилса-да, бироқ уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар билан ҳамкорлиги, бу борадаги ютуқ ва камчиликлар, ёш оилаларга ажратилаётган кредитлар, мазкур жараёнда партиянинг ўрни ва роли хусусида кам сўз юритиляпти. Қолаверса, тадбиркорлик маданиятини юксалтириш партиянинг устувор вазифаларидан бири экан, Либерал демократик партия фаоллари ташаббуси билан ёки улар томонидан ҳозиргача матбуотда бирор бир йирик лойиҳа амалга оширилмагани газетанинг бу йўналишда ўз салоҳиятидан етарли фойдаланмаётганини кўрсатади.

Ўз фаолиятига республикамиз зиёлиларини, таниқли шифокорлар, журналистлар, ўқитувчилар, сиёсатшунослар, санъаткорларларни жалб қилган "Миллий тикланиш" газетаси ёшлар орасида кенг ўқилади. Нашр мунтазам равишда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга, ёшлар ва аёллар мавзусига, хусусан, уларнинг иш билан таъминлаш масаласига, ижтимоий фаоллашувига, миллий маданиятимиз ва қадриятларимиз тарғиботига бағишланган мазмунли материаллар чоп этиб боради. Бироқ, депутатлар, партия фаолларининг мунтазам чиқишлари, жамоатчилик ва парламент назорати борасидаги таъсирчан материалларга янада катта эътибор қаратилса, фойдадан холи бўлмасди.

"Адолат" социал-демократик партияси партия сайловолди дастурининг асосий йўналишлари қонунлар мукаммаллиги ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда жамиятда ижтимоий инновацияларни амалга оширишдан иборат. Партиянинг дастурий ғояларига кўра, адолат ва ҳаққонийлик қонунчилик фаолиятининг асосий ва бош йўналишига айланиши даркор. Адвокатура ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш суд ҳокимиятини ислоҳ қилишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Айнан шу йўналишдаги мақолалар, суд очерклари, таҳлилий материаллар партия нашри — «Адолат» газетасида янада кўпайса, айни муддао бўларди.

Бир сўз билан айтганда, партия нашрларда партия раҳбарларининг мунтазам чиқишларига эришиш, бошланғич ташкилотлар ва етакчилар фаолиятини кенгроқ ёритилишига эришилса, бошқа партиялар фаолиятининг нозик жиҳатлари чуқур ва холис ўрганилиб, танқид остига олинса, шу орқали баҳс юритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки бу партияларнинг электорат олдида обрўси ошишига ҳамда сиёсий майдондаги ўрни мустаҳкамланишига хизмат қилади. Умуман олганда, партиялараро рақобат, ғоялар кураши, шубҳасиз, ҳар қандай демократик жамиятга хос хусусиятлардан бўлиб, ўтган сайловлар даврида партиялар ва уларнинг номзодлари ўртасида кечган қизғин баҳс-мунозаралар жамиятимизда демократик қадриятлар мустаҳкам илдиз отиб, кучли фуқаролик жамиятининг асослари шаклланаётганини яна бир бор намоён этди. Сиёсий баҳслар эндиликда газета саҳифаларига кўчиб бораётгани эса янада қувонарли ҳол.

**Назира АБДУАЗИЗОВА,**
**профессор**

Жамоат ташкилотлари нашри

# Малака иш жараёнида ошади

Сўз айтувчининг зиммасида катта масъулият бор. Аввало, фикр ҳақиқатга мувофиқ бўлиши ва бунга суҳбатдошни ишонтира олиши керак. Юзма-юз суҳбатда бу мақсадни амалга ошириш анчайин осон, аммо босма нашрларда бу жараён бироз қийинроқ кечади. Сабаби қўлига қалам тутган кишидан кўнглидан кечиб турган мулоҳазаларни оқ қоғозга тушириш учун теран фикр, истеъдод ва катта меҳнат талаб этилади. Шундай фазилатлар соҳибларигина жамиятнинг виждони бўлиш бахтига муносиб. Бу журналистларнинг зиммасидаги оғир, айни дамда шарафли юкдир.

Шиддаткор замонимизда матбуот шундай қудратли кучга айланмоқдаки, ўзини зиёли ҳисобланган ҳар қандай инсон буни сезмаслиги, ҳис этмаслиги мумкин эмас.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси муассислигида нашр этилаётган "Ishonch" ва "Ishonch-Доверие" газеталари таҳририяти мақсад ва вазифасига кўра ўз зиммасидаги масъулиятни ҳамжиҳатлик билан адо этиб келяпти. Мамлакатимиз мустақиллигига тенгдош мазкур газеталарнинг мазмун-мундарижаси йилдан-йилга кенгайиб, муштарийлар эътирофига сазовор бўлмоқда.

— Матбуот халқ билан жамият ўртасидаги маънавият кўпригидир. Таҳририятдаги ҳар бир ходим шу ҳақиқатни ўзига шиор қилиб олган, — дейди нашрлар бош муҳаррири Абдухолиқ Абдураззоқов. — Газета орқали юртдошларимизнинг билим ва дунёқарашини кенгайтиришга, фуқароларимиз онгида демократик қадриятларга ҳурмат ҳиссини, фуқаролик позициясини шакллантириш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқдамиз.

Дарҳақиқат, нашрнинг ҳар бир сонида юртимиздаги нуфузли жамоат ташкилотларидан бири ҳисобланган касаба уюшмалари фаолияти, маънавий-маданий, ижтимоий-сиёсий мавзуларга кенг ўрин ажратилади. "Маънавият сабоқлари", "Орамиздаги одамлар", "Миллий ифтихор", "Уйғоқ фикр", "Огоҳ бўлайлик!" каби рукнларда бериб борилаётган мақолалар жамоатчилик билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиш учун хизмат қилмоқда.

Шу ўринда таҳририят ходимлари жойларда ўтказилган қатор журналистик текширувлар натижасида ўнлаб фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқи тикланишига кўмаклашганини фахр билан таъкидлаш мумкин. Энг муҳими, "Ishonch" менга ёрдам берди..." қабилидаги самимий дил сўзлари кўнгилларга ҳузур бағишлайди.

Рақамларга мурожаат қилсак, биргина ўтган йили фуқароларнинг 113 та шикоят ва аризасидан ўндан ошиғи бўйича мухбирларимиз томонидан журналист текшируви ўтказилиб, мақолалар эълон қилинди ва мурожаатларда таъкидланган камчиликларнинг бартараф этилишига эришилди. 13 та шикоятда кўрсатилган масалалар бўйича ҳуқуқий-таҳлилий мақолалар чоп этилди. "Сўраган эдингиз" рукнида йил давомида 103 нафар муштарий саволларига мутахассис ва ҳуқуқшунослар жавоби чоп этилди. Бу мисоллар шунчаки рақамлар шодаси эмас, аксинча, ишига қайта тикланган юзлаб инсонларнинг қувончи, бошини қай эшикка уришини билмай турган юртдошларимизга эзгулик, ҳақиқат маёғининг тутқазилишидир.

Ахборот кўлами ва микёси ҳаддан ташқари кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда миллий менталитетимизга, турмуш тарзимизга, шарқона одоб-ахлоқимизга мутлақо мос келмайдиган зарарли унсурлар ҳам кириб келаётгани бор гап. Бугуннинг шундай долзарб талабидан келиб чиққан ҳолда газеталаримиз саҳифаларида туркум мақолалар, суҳбатлар, жаҳон ва миллий адабиётимиз намуналарини чоп этиб бориш анъанага айлантирилган. Қувонарлиси, газетамиз ўнлаб иқтидор эгаларининг ижодий бешигига айланмоқда.

Таҳририятда имкониятдан келиб чиқиб, меҳнатни ўқиш билан тенг олиб бораётган ходимлар учун алоҳида имтиёзлар белгиланган. Шартнома асосида ўқиётганларга тўловни амалга оширишда кўмак берилмоқда. Ходимлар малакасини муттасил ошириб бориш масаласи назаримиздан четда қолмаяпти.

Мақолаларга муносабат "Акс-садо" рукнидагина эмас, балки турли тадбирларда ҳам намоён бўлмоқда. Хусусан, таҳририят ёшларининг "Қачон китобга қайтамиз?" сарлавҳали баҳси сабабли Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 193-мактабда махсус тадбир ўтказилди ва унга баҳс иштирокчилари таклиф этилди. Шунингдек, муштарийлар билан учрашувлар анъанага айланиб улгурди. Жойларда ўтказилаётган "Ishonch" кунлари" муштарийлар эътибори сабаб катта тадбирга айланиб кетаётир. Бундай мулоқотлар жараёнларидаги фикр-мулоҳазалар газета мундарижасини янада бойитишга хизмат қилмоқда.

Ташқи муаллифларнинг, хусусан, адабиётшунослар, ҳуқуқшунос, тиббиётчи, таржимону ёзувчилар, санъат намояндаларининг жалб этилиши газетанинг янада ўқишли бўлишини таъминламоқда. Яна бир қувонарли гап: газета нафақат республикамиз, балки хорижда ҳам таниқли. Хусусан, Шавкат Музаффар нашрда эълон қилган карикатуралари билан "World Press Cartoon" (Португалия, 2010) танловида ғолиб бўлди. Таржимон Ҳафиза Қўчқорова эса "Ishonch" саҳифаларида нашр этилган таржима асарлари билан Германиянинг нуфузли адабиётшунослик қўмитаси — LCB грантига сазовор бўлди.

Оммавий ахборот воситаларининг жамиятда тутган ўрни, савияси, таъсири, бир сўз билан айтганда, бу соҳани амалда "тўртинчи ҳокимият" даражасида фаолият кўрсатиши учун керакли чора-тадбирларни қўллаш масъулияти "Ishonch" ва "Ishonch-Доверие" газеталарининг ҳам зиммасида экан, нашрлар фаолияти янги поғоналарга кўтариб бораверади.

**Д.РАҲМОНОВА,**
**журналист**

Диққат, танлов давом этмоқда!

# «ЭНГ ЯХШИ ТАҲЛИЛИЙ МАҚОЛА»

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорликда тўйлар ва бошқа маросимларни замон талабларига жавоб берадиган тарзда, ихчам ҳамда тежамкорлик билан ўтказиш ҳамда ортиқча дабдабабозлик, шуҳратпарастлик ва исрофгарчилик каби иллатларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш мақсадида босма ОАВ ҳамда интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида **«Энг яхши таҳлилий мақола»** танловини эълон қилади.

***Танлов йўналишлари***

Танлов қуйидаги номинация бўйича ўтказилади:
— энг яхши таҳлилий мақола (3 та ўрин);

***Танлов шартлари***

Танловга тўй ва бошқа маросимлардаги исрофгарчилик, дабдабабозлик, шуҳратпарастлик ва миллий қадриятларимизга мос келмайдиган ёт одатларни кескин танқид қилувчи, замон талабларига жавоб берадиган ихчам ҳамда тежамкор, ёшларга ибратли, миллий урф-одат ва қадриятларимизга мос тўй ва бошқа маросимларни тарғиб қилувчи ижодий ишлар тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, қорақалпоқ ёки рус тилларида тайёрланган бўлиши керак.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида қуйидаги маълумотлар илова қилинади: фамилияси, исми, профессионал фаолияти, паспорт нусхаси.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма нашрларда 2010 йилнинг 15 августидан 2011 йилнинг 15 апрелига қадар чоп этилган бўлиши шарт. Ижодий ишлар 2011 йилнинг 1 майига қадар қабул қилинади.

***Танловни ўтказиш тартиби***

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар ташкилотчилар масъул ходимларидан иборат ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг мақсадга йўналтирилгани, ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик, таҳлил, ўзига хослик ва профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

***Танлов ғолибларига мукофотлар***

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари 2011 йил май ойи охирида аниқланиб, ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом ва қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланади.

Материаллар ва маълумотлар **«Энг яхши таҳлилий мақола» танловига** деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2011 йил 1 майига қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpak.uz, mmf.uz@mail.ru.

**Ташкилий қўмита**

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

# ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

### НЕФТЬ НАРХИ ЯНА ОШДИ

**Нефть нархи 120 долларга кўтарилди. Бунга асосий сабаб сифатида Шимолий Африка ва Яқин Шарқдаги нотинч вазият кўрсатилмоқда.**



Душанба кунги Лондон биржасида бир баррель нефть нархи етказиб бериш шарти билан 121,29 АҚШ долларига баҳоланди. Бу 2008 йилнинг август ойидан бери кузатилмаган рекорд кўрсаткичдир. Нефть сармоядорлари, айниқса, Ливия ва Ямандаги нотинч вазиятдан хавотирдалар. Шунингдек, Африканинг яна бир давлати — Габонда ҳам нефть саноати ишчилари ўз норозиликларини иш ташлаш орқали билдирдилар. Оқибатда мамлакатда нефть қазиб чиқариш бутунлай тўхтаб, «Shell» ва «Total» нефть корпорациялари танг аҳволда қолди.

Айни пайтда сармоядорлар нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) «қора олтин» қазиб чиқариш миқдорини ошириш тўғрисида қарор қабул қилишидан умидворлар. Бироқ ОПЕКка раислик қилувчи Эрон ташкилотнинг нефть нархи билан боғлиқ шошилинч йиғилиши ўтказилишини рад қилди.

Айтиш жоизки, нефть баҳосининг тийиқсиз ўсиши бутун жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир ўтказади. «Deutsche Bank» таҳлилчиларининг ҳисоб-китобларига қараганда, мабодо бир баррель нефть нархи 110 доллардан тушмайдиган бўлса, Европа мамлакатларида иқтисодий ўсиш 0,5 фоиздан ошмайди. Ва аксинча, нефть баҳосининг 150 долларгача кўтарилиши Европа Иттифоқи давлатлари иқтисодиётида 2,3 фоизга пасайишга олиб келиши мумкин.

### ИЛК БОР БИОЁҚИЛҒИ БИЛАН

**Мексикада биринчи бор биоёқилғидан фойдаланган ҳолда авиарейс амалга оширилди. ИТАР-ТАСС хабарига кўра, ушбу синовда Европа авиакомпанияларидан «Airbus» ҳамда маҳаллий «Interjet» компанияси иштирок этган.**

Хабарларда айтилишича, синов рейси Airbus маҳаллий компанияга тегишли бўлган «А 320-214» самолёти билан амалга оширилган. Биоёқилғи билан тўлдирилган самолёт пойтахт Мехикодан осмонга парвоз қилган ва мамлакат жанубидаги Тукстла-Гутьеррес шаҳридаги аэропортга муваффақиятли қўнган.

Айни пайтда Мексикада 2015 йилдан бошлаб йилига 40 миллион литр биоёқилғи ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. 2020 йилга келиб эса, бу кўрсаткич 700 миллион литрни ташкил этади.

### АФРИКАДА ЯНГИ ДАВЛАТ

**Сомалининг Кения билан чегара ҳудуди — жанубий провинцияларида Азания деб номланган янги давлат пайдо бўлди. Бу ҳақда «Associated Press» ахборот агентлиги хабар тарқатди.**

Мустақил Азания давлатининг ташкил топгани Кения пойтахти Найроби шаҳрида бўлиб ўтган тантанали маросимда эълон қилинди. Шунингдек, мамлакат президенти этиб Муҳаммад Абди Ганди сайланди. У ўтган йили Сомали мудофаа вазири сифатида фаолият кўрсатган эди. Яқин орада Азанияда ҳукумат ва парламент тузилади.

Дарвоқе, Кения ушбу янги давлат ташаббускорларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, расмий Найроби фуқаролар уруши гирдобида қолган қўшни давлат чегарасида «буфер зона» ташкил қилинишидан манфаатдор.

Эслатиб ўтамиз, Сомалида сўнгги йигирма йил давомида фуқаролар уруши кечмоқда. Мамлакат бир нечта ўзича мустақил қисмларга бўлиниб кетган. Халқаро ҳамжамият эса, ўтиш давридаги федераль ҳукуматнигина тан олган. Бу ҳукумат ҳозирги вақтда пойтахт Могадишонинг саноқли районларини ўз назоратига олган, холос.

Шарҳ

# МАТОНАТ СИНОВИ

*Жорий йилнинг 11 март куни Японияда рўй берган кучли зилзила ва у келтирган мудҳиш оқибатлар мана, уч ҳафтадан ошиқроқ вақт ўтибдики, ҳамон турли телеканаллар, интернет сайтлари ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларининг бош мавзуларидан бири бўлиб қолмоқда. Дунё аҳли япон халқининг ақл-заковати ва тадбиркорлигига, ўз бурчи ва вазифасига виждонан ёндашувига, қисқа фурсат ичида давлатини энг тараққий этган мамлакатлар қаторига олиб кирганига ҳамиша ҳайрат ва ҳавас билан қараган бўлса, бугунгидек оғир дамларда ҳам ўзини йўқотмасдан синовларни сабр-бардош, вазминлик, матонат ва ҳамжиҳатлик ила енгиб ўтишга интилаётганига яна бир карра қойил қолмоқда.*

Биласиз, "кунчиқар юрт" сейсмик жиҳатдан сайёрамиздаги энг фаол ҳудудда жойлашган бўлиб, аҳоли бу ерда кунда-кунора бўлиб турадиган турли ер силкинишларига кўникиб кетган. Зилзила вақтида уларнинг ортиқча саросимага тушмай, вазиятдан келиб чиқиб, тўғри ҳаракатланишга одатланган бундай офат оқибатида кузатилиши мумкин бўлган йўқотишлар кўламининг камайишида асосий омиллардан бири бўлмоқда. Қолаверса, юксак технологиялар соҳасида анча илгарилаб кетган япон мутахассисларининг сейсмик ўзгаришларни аввалдан аниқлаб, аҳолини тезда огоҳлантириш борасидаги ютуқлари, саъй-ҳаракатлари ҳам талафотларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаётир. Шу боис 11 март куни қайд этилган ер силкиниши чоғида одамлар ўзларини имкон қадар хавфсиз жойларда сақлашга эришган эдилар. Аммо орадан бир неча дақиқа ўтиб, океанда пайдо бўлган кучли цунами вазиятни бутунлай ўзгартириб юборди.

Табиий офатдан, айниқса, Сендай, Кесеннума, Натори, Юриаги, Арагама, Минами-Санрику, Камаиси, Ичихара, Иваки, Асахикава каби шаҳарлар катта зарар кўрди. Бу шаҳарлардаги минглаб турар жой бинолари, кўприклар, йўллар вайронага айланди, автомобиллар, ўнлаб кемалар фойдаланишга яроқсиз ҳолга келди, маҳаллий аэропортлар, темирйўллар фаолияти издан чиқди. Ҳозир 12 мингдан ортиқ одамнинг ҳаётдан кўз юмгани, "бедарак йўқолган" деб ҳисобланганлар эса 15 минг нафардан зиёд экани айтилмоқда. Лекин бу якуний хулоса эмас.

Япония тарихида аянчли оқибатларга сабаб бўлган бир қанча зилзилалар кузатилган. Жумладан, 1707, 1896, 1923 ва 1995 йилларда рўй берган ер силкинишлари қурбонлар сони ва вайроналар кўлами жиҳатидан энг йириклари ҳисобланади. Айтайлик, 1923 йилнинг сентябрида Канто префектурасида содир бўлган 8,3 балли зилзила Токио, Йокогама, Ёкосука каби саккизта йирик шаҳарни бутунлай харобага айлантирган эди. 1995 йилда Кобе ҳудудида қайд этилган табиий офат (7,3 балл) ҳам катта йўқотишларга сабаб бўлди. Жорий йилнинг 11 мартидаги ер силкиниши эса японияликлар ҳаётидаги энг кучли, Тинч океани ҳудудида сўнгги 110 йил ичида рўй берган йирик бешта зилзилалардан бири сифатида тарихдан жой олди. Гап шундаки, дастлабки маълумотларда унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 8,8, айрим манбаларда эса 8,9 балл деб келтирилганди. Кейинчалик бунга аниқлик киритилди ва ер силкиниши 9 баллга тенг бўлгани айтиб ўтилди. Мутахассислар бу гал талафотлар кўлами жуда катта ҳудудни қамраб олганини зилзиланинг одатдагидан анча узоқ вақт давом этгани билан ҳам изоҳламоқдалар. Мисол учун, 1995 йилдаги ер силкиниши 15 сония давом этган бўлса, 11 мартдаги табиий офат 5 дақиқа кузатилгани айтилмоқда.

Табиийки, ушбу офат мамлакат иқтисодиётига катта миқдорда зарар етказди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, талафот миқдори 300 миллиард АҚШ долларидан ошиши мумкин. Жаҳон банки ва бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар экспертлари шунга яқин эҳтимолларни билдириб ўтишган.

Сейсмик фаоллик сақланиб тургани учун ҳам ўтган кунлар давомида Мияги, Фукусима, Ибараки, Тотиги, Иватэ, Гумма, Сайтама, Канагава ва Чиба префектураларида 5-7 балл оралиғида яна ўнлаб зилзилалар қайд этилди. Электр таъминотидаги узилишлар ҳали тўлалигича бартараф қилинганича йўқ. Кўчалардаги ёритгичлар, безакли чироқлар, реклама учун ўрнатилган экранлар ўчириб қўйилган, имкони борича электр энергиясидан тежаб фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Зилзиладан жабр кўрганларга дори-дармон, ичимлик суви, озиқ-овқат ва ёқилғи етказиб беришда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Лекин шунга қарамай, япон халқи сабр-қаноат билан табиий офат асоратларини мардонавор енгиб ўтишга уринмоқда. Инсонпарварлик ёрдамларини қабул қилиб олишда, дўконлардан маҳсулот харид қилиш чоғида одамларнинг тартибни сақлаб, бирбирларига ҳурмат билан муносабатда бўлаётганлиги, шунингдек, фалокат пайтидаги эгасизликлардан фойдаланиб, ўзгалар мулкига кўз олайтириш, нарх-навонинг кескин ошиб кетиши ҳолатлари мутлақо кузатилмаётгани эътироф этилмоқда.

Вазият шундоқ ҳам оғир бўлиб турган бир пайтда "Фукусима — 1" атом электростанциясидаги реакторларнинг ишдан чиқиши нафақат маҳаллий аҳолини, балки дунё ҳамжамиятини ҳам жиддий ташвишга солди. Чунки бундай фалокатлар қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўпчилик тарихдан жуда яхши билади. Мамлакат ҳукумати "Фукусима — 1" АЭСидаги муаммоларни бартараф этиш учун бор куч ва имкониятини сафарбар этмоқда. Халқаро атом энергияси агентлиги — МАГАТЭ бу борада яқиндан кўмаклашаётир.

Япония бош вазири Наото Кан ўтказилган матбуот анжуманларидан бирида мамлакат Иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг оғир кунларни бошидан кечираётганини таъкидлади. Дарҳақиқат, зилзила, цунами ва АЭС билан боғлиқ талафотлар Японияни мураккаб аҳволга солиб қўйди...

Бағрикенглик, инсонийлик ва ўзгалар қайғусига шерик бўлиш халқимизга хос фазилатлардан саналади. Японияликлар бошига тушган оғир мусибат узоқ йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келаётган Ўзбекистоннинг ҳеч бир фуқаросини бефарқ қолдиргани йўқ. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов жаҳоннинг етакчи давлатлари раҳбарлари орасида биринчилардан бўлиб табиий офат рўй берган кун — 11 мартдаёқ Япония ҳукумати ва халқига даҳшатли фожиа муносабати билан ўзининг чуқур ҳамдардлигини билдириб, ўзбекистонликлар япон халқининг бошига тушган фалокат ва йўқотишларига ҳамдард эканлигини қайд этди.

Ўзбекистон раҳбариятининг қарори билан "кунчиқар юрт"га биринчилар қаторида инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди. Япония шимолида юз берган ҳодисалардан азият чекканларга жуда зарур бўлган палаткалар, кўрпа-тўшаклар, пойабзал ва бошқа маҳсулотлар ортилган "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг самолёти Токио шаҳридаги "Нарита" халқаро аэропортига бориб қўнди. 23-24 март кунлари ушбу инсонпарварлик ёрдами Фукусима ва Мияги префектураларига етказиб берилди. Мамлакатимизнинг мазкур кўмаги Японияда юксак баҳоланди. Япония Бош вазири Наото Кан ва мамлакат ташқи ишлар вазири Такэаки Мацумото Ўзбекистон ҳукуматига маънавий жиҳатдан далда бўлган илиқ сўзлари ва кўрсатган инсонпарварлик ёрдами учун самимий миннатдорлик билдирди.

— Мазкур ҳолат замонлар оша синалган икки томонлама дўстлик ва шериклик алоқаларининг яна бир исботи бўлди, — деди Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ёсихиса Курода "Жаҳон" ахборот агентлигига берган интервьюсида. — Давлатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар янада кенгайиши ҳамда мустаҳкамланишига ишончим комил.

Шундай мазмундаги самимий фикрларни сенатор, Япониянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Кеко Накаяма хоним, "Нарита" халқаро аэропорти маъмурияти иш бошқарувчиси Ёасуо Фукумото ҳам билдирган. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон Республикасининг табиий офатдан азият чеккан япон халқига йўллаган кўмаги "Дўст бошга қулфат тушганда синаладиган" мақолининг ҳаётий ифодасига айланди. Бу биз, ўзбекистонликларнинг яқин дўст Япония халқи қайғусига бефарқ эмаслигимиздан гувоҳ беради...

Кексаларимиз ҳамиша дуога қўл очганда "Ўт балосидан, сув балосидан асрасин, тинчлик, омонлик хотиржамлик бўлсин", дея ният қиладилар. Табиатда юз бераётган ўзгаришлар, воқеа-ҳодисаларнинг, дунёнинг турли нуқталарида кузатилаётган нотинч вазиятларнинг гувоҳи бўла туриб, ана шу ҳикматнинг маъноси нақадар чуқур эканига тобора амин бўлиб бораяпмиз. Тилагимиз, ҳеч кимнинг бошига бундай кунлар тушмасин.

**Шавкат ОРТИҚОВ**

Дунё матбуоти саҳифаларида

### ТИРАННОЗАВРНИНГ «ҚАРИНДОШИ» ТОПИЛДИ

**«Cretaceous Research» журналининг ёзишича, олимлар Хитойда ўлчамлари бўйича тираннозаврга тенг келадиган динозавр қолдиқларини топишди.**



Хитойнинг шарқий қисмидаги Чжучэн шаҳри ҳудудида ишлаётган тадқиқотчилар номаълум турга мансуб динозаврнинг бош ва жағ суякларига дуч келишган. Олимларнинг фикрича, бу суякларнинг "эгаси" машҳур Tyrannosaurus rex (тираннозавр) сингари судралиб юрувчилар гуруҳига мансуб. Лекин у Шимолий Америка ва Осиёда яшаган қариндошларидан бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради.

Мутахассисларнинг аниқлашларича, бу динозаврнинг бўйи 4 метр, узунлиги эса 11 метрга тенг бўлган. Олимлар унга Zhuchengtyrannus magnus деб ном беришди. Тираннозаврларни ўрганаётган бошқа тадқиқотчилар гуруҳи эса мазкур судралиб юрувчилар каннибал бўлишлари мумкин, деган хулосага келган. Бунга унинг суякларида қолдирилган турли хил излар сабаб бўлган.

### МАРСДА ПОРТЛАШ БЎЛГАНМИ?

**Илм-фан оламида катта нуфузга эга астроном Жон Бранденберг Марснинг "сирини", яъни нега сайёранинг ранги қизил ва нима учун унда ҳаёт йўқлигини билишини эълон қилди.**

«Неформат»нинг қайд қилишича, қачонлардир Марсда ҳаёт бўлган. Океанлар, денгизлар, дарёлар мавж урган. Афсуски, катта портлаш рўй бериб, бу гўзалликни бутунлай йўқ қилган. Астрономнинг фикрича, ўша портлаш сайёрада 180 миллион йил муқаддам рўй берган. Марс тупроғида кўплаб радиоактив компонентлар — плутоний, калий, торий топилгани ҳам бу назарияни тасдиқлайди.

Энди олимнинг олдида турган бош вазифа ядровий портлашнинг сабабини аниқлаш: бу ҳолатнинг рўй беришига марсликларнинг фаолиятлари сабабми ёки бошқа омиллар? Тахмин қилинишича, ўша портлаш Ацидалий денгизи атрофида бўлган. Ҳозирги кунда мазкур ҳудудда энг юқори даражада радиация кузатилмоқда. Портлаш оқибатида кўпгина табиий объектлар қизил қумга айланиб, сайёра юзасини қоплаган.

### ФИРЪАВНЛАР АТЕРОСКЛЕРОЗ БЎЛГАН

**Элликдан ортиқ мўмиёланган жасадларни тадқиқ этган олимлар мисрлик фиръавнлар ва аёнлар асосан атеросклероз ва юрак-қон томир касалликларидан азоб чеккан, деган хулосага келдилар, деб ёзади «Journal of the American College of Cardiology" журнали.**

Тадқиқотчилар 52 та мўмиёни компьютер томографияси ёрдамида ўрганиб чиқдилар. Уларнинг 44 тасида томир тўқималари яхши сақланиб қолган. Текширилган жасадларнинг 45 фоизида юрак-қон томир касалликлари бўлган. Тадқиқ қилинишича, томирларнинг ўзгаришига молик бўлган мисрликларнинг 20 фоизи 40 ёшда, 60 фоизи 60 ёшга етмасдан вафот этган.

Бугунги кунга келиб атеросклероз ва юрак-қон томир касалликларининг ривожланишига ортиқча вазн, ёғли овқат, жисмоний ҳаракатнинг камлиги ва чекиш сабаб бўлиши аниқланган. Ваҳоланки, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, қадимги Миср аҳолиси соғлом турмуш тарзини кечирган. Шу боис, олимлар улардаги бу хил касалликларга мойилликка бошқа омиллар сабаб бўлиши мумкин, деган тўхтамга келишди.

### АНТИҚА МУЗЕЙ

**Германиянинг Висбаден шаҳрида антиқа музей очилди, дея хабар тарқатди Frankfurter Rundschau. Музейнинг антиқалиги шундаки, у ҳожатхона тарихига бағишланган.**

Минглаб экспонатларга эга музей кўргазмаси 3 апрель куни ўз ишини бошлади. Музейга кириш учун билет баҳоси — 4 евро 99 цент. Музейда турли ҳожатхона жиҳозларини кўриш мумкин. Турфа хил чўткалар, қоғоз тиркагичлар, унитазлар дейсизми... Ҳаттоки, унитаз формасидаги сувенирлар ҳам мавжуд.

Бундай музейлар Ҳиндистон, АҚШ ва Буюк Британияда ҳам фаолият кўрсатади.

**Интернет хабарлари асосида Гулнора ЗОКИРОВА тайёрлади.**

### ҚАШАНДАЛАР ВА... БАҚАЛОҚЛАР «ЖАРИМА» ТЎЛАЙДИ

**«The New York Times» тарқатган хабарда айтилишича, АҚШнинг Аризона штатида янги қоида жорий этилади. Унга кўра, кашандалар ва ҳаддан ортиқ семиз кишилар тиббиёт суғуртаси учун қўшимча маблағ тўлайдилар.**



Medicaid суғурта бўлими мутасаддиларининг қайд этишларига қараганда, кашандалар учун ушбу суғурта тўлови йилига 50 долларга оширилади. Худди шу қоида сурункали касалликлар, масалан, қандли диабет билан оғриган, бироқ ортиқча вазндан воз кечишни истамаган ва бунинг учун астойдил ҳаракат қилмаган кишиларга тааллуқлидир.

Янги қоида ташаббускорлари суғурта тўловининг оширилиши аҳолини соғлом турмуш тарзига риоя қилган ҳолда ҳаёт кечиришларига сабаб бўлади, дея умид қилмоқдалар. Аммо бу қанчалик самара беради, ё йўқ – ҳаммасини вақт кўрсатади, албатта.

### 250 МИЛЛИОН КИШИГА ЕТДИ

**«Facebook» социал интернет тармоғининг уяли телефондан фойдаланувчилари сони 250 миллион кишига етди. Ваҳоланки, бундан бир йил муқаддам, аниқроғи, 2010 йилнинг февраль ойида бу кўрсаткич 100 миллионга яқинни ташкил этарди.**

Тармоқнинг уяли алоқа аудиторияси бир йил ичида 2,5 баробарга кенгайди. Бунга «Facebook»да жорий қилинган турли хил қулайликлар сабаб бўлди, дейиш мумкин. Айтганча, тармоқда келгуси икки ҳафта ичида яна бир янгиликка кўл урилади. Яъни, «Facebook»нинг m.facebook.com ва touch.facebook.com версиялари бирлаштирилади ва бунинг натижасида бир қатор қулайликлар яратилади.

«Facebook» социал тармоғи жаҳондаги энг оммалашган интернет тармоғи ҳисобланади. Унда 600 миллионга яқин аккаунт рўйхатдан ўтган.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
«ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати
ПОЧТА АЛОҚАСИ
хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

**“Ватан учун яшайлик” танловига**

# БУ — МЕНИНГ ЮРТИМ

*Мустақиллигимиз шарофати билан юртимизда ҳунармандликка кенг йўл очилди. Бугун ҳунарманднинг ошиғи олчи. У иктиёзларга эга ҳолда турли танловларда иштирок этади. Мукофотланади. Ҳатто уйда бажарган иши учун меҳнат дафтарчаси очилиб, иш стажи ёзилади. Маҳорат билан ишласа, тиккан, яратган нарсасини хорижга сотиш имкони ҳам бор.*

Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган ҳунарманд қизларимизни, “Ташаббус” танловининг катта-катта совринларини қўлга киритган юртдошларимизни ўйласам, умри меҳнатда ўтган мискингина онажонимга ҳамроҳ болалигим ёдимга тушиб, Истиқлол қадрини янаям чуқурроқ ҳис қиламан.

Мен ҳозир қишлоқда яшайман. 1984 йили пойтахт Тошкентдан қишлоққа кўчиб келаётганимда, дўппидеккина Олтинкўл қишлоғида яшашимни ўйлаб, ичдан роса ўкинган эдим. Ўша ўкинч ҳозир йўқ. Ахир, қишлоғимизда қанча ўзгаришлар бўлди. Қизини қишлоққа узатган онамни “ух” торттирган лой кўчаларимиз текис, равон. Ғўзапоядан тикланган “деворлар”дан асар ҳам қолмаган.

Олтинкўлдаги ислоҳотлар кўзни қувонтиради. Бугун бу мўъжазгина туманда хориж давлатлари билан ҳамкорликда олтита қўшма корхона ишлаб турибди. “Фекинтекс Андижон”, “Евро Азия пласт”, “Кезар”, “Беллона милениум”, “Андижончарм”, “Олтинкўл текстил”... уларда бугун юзлаб юртдошларимиз ишлаяпти. Мустақилликкача бу олис хориж мамлакатлари ҳатто харитада ҳам Олтинкўл деган маскан борлигини билмасдилар.

Ана ўша қишлоқ деганим Олтинкўлдаги 1-мактаб ўқувчиси Жавоҳир Содиқов танлов ғолиби сифатида Америкада ўқиб қайтди. 20-ихтисослашган мактаб-интернат ўқувчиси Марҳабо Нўъмонова эса 2009 йил республика фан олимпиадасида ғолиб чиқиб, Ўзбекистон Миллий университетига имтиёзли ўқишга қабул қилинди. “Олтинкўл — водий гулшани” фермер хўжалиги раҳбари, тажрибали пахтакор Сиёсатхон Абдуллаева Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Бу опанинг камтарлигини, содда, меҳнаткашлигини, даласига, шийпонига қанчалар меҳр қўйганини яхши биламан. Унинг бундай катта мукофотга лойиқ топилгани эса озод юртда фидойи бўлишнинг самарасидир. Дилга фахр берадиган бундай мисоллар анчагина. Қолаверса, ўзи яратиб, ўзи меҳнат қилиб, ўзи фаровон яшашни ўрганган эл мустақилликнинг буюк неъмат эканлигини яхши билади.

Қамчиқ довонида эришилган ютуқлар жасоратли меҳнат намунаси, ислоҳотлар, фаровонлик белгисидир. Тоғни тешиб қурилган иккита туннелли текис ва равон йўллардан тўрт ярим-беш соатга қолмай манзилга етиб борасиз. Йўл бўйи ўнлаб ошхона, чойхона, кафелар ўзбекона лутф билан хизматингга тайёр. Йўллар манзарали, гўзал. Дарвоқе, дарахт экиш, гул ўстириш нотинч кўнгилга сиғмайди, тўғрими?! Кўнгилга гул сиғибдими, гўзалликка, эзгуликка ошно бўла билибдими, бу — ҳаётдан мамнунлик нишонаси.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аньанага айланиб қолган “Андижонни кўркам вилоятга айлантирайлик” шиори остидаги байрамда фаол иштирок этаётган юртдошларимиз бугун мазкур фестивал учунгина эмас, ўз кўнглини завқлантириш, “бу менинг юртим” деган фахрни, ғурурни ҳис қилиш учун ҳам гўзалликка эш бўлиб яшаяпти. Обод гузарлардаги чойхоналар, маиший хизмат шохобчалари, катта-кичик дўконлар, савдо уйлари — барибариси халқнинг фаровонлиги учун хизмат қиляпти.

Мана шундай гўзалликка ошно инсонлардан яна бири Олтинкўлнинг Офтобачек қишлоғида яшайдиган Жамила опадир. Уни “чевар ая” дейишади. Аммо мен бу аёлнинг яна бир фазилатини яхши кўраман. Ҳовли-жойининг саранжом-саришталиги, айниқса, томорқасига қараб ҳавас қиламан. Шу аёлнинг уйига кирдим дегунча, ўз кўзимга ўзим ношудроқ кўрина бораман. Йил-ўн икки ой Жамила опанинг томорқаси бўш қолмайди. Кашнич, укроп, жамбил, райҳон, лағмон кўкатлари, ошковоқ, кўк ловия... қўйингки, ҳамма нарса бор.

Бунақа саришталикни “Дўстлик” ордени совриндори бўлган деҳқон-фермер Асалхон Расулованинг дала шийпонида ҳам кўриш мумкин. Атрофи тол, тераклар билан қуршалган соя-салқин шийпон ва унга ёндош баланд ишкомлар остидаги чорпояларга кўрпачалар тўшалган, шийпонни айланиб ариқ оқади. Гуллари то қишнинг совуқ кунларигача турадиган гулзор. Рўпарадаги тандирда ҳар куни ут ёнади, нон ёпилади. Бу нонларни еган одам мазза қилади. Хамири сутга қорилган, юзи лов қизил нонлар бу. Шийпондаги учта соғин сигир шу мақсадда боқилади. Пахтакорликда-ку, Асалхонга етадигани кам. У бригадир, хўжалик раисаси, энди деҳқон фермер сифатида туманда, вилоятдагина эмас, мамлакатда ҳам биринчилардан бўлиб режа бажаришга ўрганган. Кузакни нави баланд пахта хирмони билан кузатади. Табиийки, яшаш тарзи ҳам шунга яраша, орзулари кўп, рўёби нақ. Мана, ўтган йили намунавий лойиҳа асосида қурилган янги уйга кўчиб ўтди. Омадни қарангки, унинг уйига Юртбошимизнинг ўзлари ташриф буюрдилар. Шарт-шароити манаман деган шаҳарликнинг уйидан қолишмайдиган бу уй учун Асалхонга ўхшаганлар ғишту тош қидириб, уста боқиб овора бўлишгани йўқ. Ҳукуматимиз ажратган кредит ёрдами билан тайёр уйни олишди-қўйишди. Бунақа омадли олтинкўлликлар кундан-кун кўпайиб бормоқда. Айтишларича, ҳали режалаштирилаётган бунақа уйлар кўп экан.

Андижон шаҳрида ҳам улуғвор қурилишлар амалга оширилди. Боғишамолдаги Бобур боғи, Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи, Чўлпон боғи, сайр қилиб кўзинг яйрайдиган, дилинг тўлиқадиган хотира майдони, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳайкали ўрнатилган файзли майдон, ҳашаматли теннис корти биноси ва уни ўраб турган дам олиш сайрғоҳи... Меҳмон етаклаб мақтансанг мақтангудай юрт...

Айтинг, бу фаровон ҳаёт билан фахрланмай бўладими? Ахир, бу жойлар БИЗНИНГ ВАТАН. Бундаги одамлар — менинг жондошларим.

Муҳими, мустақиллик элнинг кўнгил тубида турган истаклар рўёби томон йўл бошлаб берди. Кишиларимиз нима яхши ишни бошласалар, унинг самараси ўзи учун, фарзандлари, қўни-қўшниси, кенгроқ олсак, ўз эли учун эканлигини ҳис қилиб турибдилар.

Қайси кўнгил бундай улуғворликларга ҳисса қўшишни истамайди? Ким мустақил Ўзбекистондай ВАТАНни кафтига қўйиб ғурурлангиси келмайди. Илҳомланиб куйламайди?!!

**Замира РЎЗИЕВА**

**Танлов давом этмоқда**

## *“Ватан учун яшайлик!”*

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб, она-диёримизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги йўлидаги улуғвор янгиланишлар, замондошларимизнинг ёрқин сиймолари ўз аксини топган, юксак маҳорат билан ёзилган энг сара бадиий-публицистик мақолалар ва очеркларнинг **“Ватан учун яшайлик!”** номли танловини эълон қилади.

Танловга фидойи замондошларимизнинг фидокорона меҳнати, заҳматкаш халқимиз амалга ошираётган залворли бунёдкорлик ишлари, ижтимоий ҳаётимиз, маърифат ва маънавиятимиздаги оламшумул ўзгаришлар, юртимиз ободлиги, миллий қадриятларимиз ва ёш авлод камоли, миллий ғурур ва ифтихор, Ватан туйғуси, Истиқлол ғоялари жонли ҳаётий мисоллар, теран фикр-мулоҳазалар ёрдамида тараннум этилган, Мустақилликнинг 20 йиллигига бағишланган, республика вақтли матбуотида, адабий нашрларда ёки китоб ҳолида чоп этилган бадиий-публицистик мақолалар ва очерклар тақдим этилади.

*Танловга тақдим этиладиган асарлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида (Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16-а бино. Телефон: 227-08-29, 227-08-30) 2011 йилнинг 1 августига қадар қабул қилинади ва нуфузли танлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилади.*

**Танлов ғолиблари:**

Бош мукофот — *энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорида.*

Битта биринчи ўрин — *энг кам иш ҳақининг 75 баравари миқдорида.*

Иккита иккинчи ўрин — *ҳар бири энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорида.*

Учта учинчи мукофот — *ҳар бири энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорида.*

Шунингдек, *ҳар бири энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдорида бешта рағбатлантирувчи пул мукофотлари билан тақдирланадилар.*

Танлов ғолиблари Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида эълон қилинади.

Танлов ғолибларининг публицистик мақолалари алоҳида китоб ҳолида чоп этилади.

*Ижодий танловга марҳамат, азиз ҳамкасблар!*

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси**

**Молия муассасаларида**

# АСОСИЙ МАҚСАД — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ

AGROBANK

*“Агробанк” ОАТБнинг Сирдарё вилоят бошқармаси молия бозорида ўзининг мустаҳкам ва муносиб ўрнига эга бўлиб келаётган молия муассасалари сирасига киради. Банк томонидан ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар кўлами вилоят иқтисодиётида алоҳида аҳамият касб этади. Айни пайтда агросаноат тизимига кирувчи корхона ва ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлашга, банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлашга, мижозлар сонини ўстиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бошқарманинг шаҳар ва туманлардаги 12 та филиали ҳамда 21 та минибанк шохобчалари барча мулкчилик шаклидаги 17 мингга яқин юридик шахсларга сифатли банк хизмати кўрсатиб келмоқда.*

Бугунги кунда молия муассасалари фаолиятида хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш ва сифатини яхшилаш орқали мижозлар эътиборини қозониш, барқарор ликвидликни сақлаш масалалари муҳим аҳамият касб этиши сир эмас. “Агробанк” ОАТБ вилоят бошқармасида ҳам депозит ва фоиз сиёсати, банк бошқарув стратегияси ва тактикаси тўғри танлангани туфайли аҳолидан жалб қилинган омонатлар миқдори ой сайин ўсиб бораяпти. Энг муҳими, банкнинг жами кредит қўйилмалари миқдорининг 65 фоизи иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган. Активлар таркибида кредит қўйилмаларининг миқдори 135 миллиард 785 миллион сўмни ташкил этиб, жорий йилда 78 миллиард 938 миллион сўмлик сармоялар ажратилди. Улар саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо воситачилиги, қурилиш, маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳиссасига тўғри келади. Бу саъй-ҳаракатлар туфайли 2560 та янги иш ўрни яратилгани алоҳида эътирофга лойиқ.

Кичик бизнес субъектлари ҳозирги кунда вилоят иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этмоқда, уларга ажратилаётган кредитлар миқдори ҳам йил сайин ўсиб бормоқда. Биргина 2010 йил давомида бу кўрсаткич 13 миллиард 5 миллион 600 минг сўмни ташкил этгани сўзимиз тасдиғидир. Ушбу кредитларнинг 10 фоизини қисқа муддатли, 90 фоизини узоқ муддатли сармоялар ташкил этди. Мазкур кредитлар натижасида 2062 та иш ўрни яратилишига эришилди. Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбиралар тўғрисида»ги Фармонига асосан бошқарма 45 та ёш оилага 347 миллион 200 минг сўм миқдорида микрокредитлар ажратди. Бундан ташқари, банк жамоаси кам таъминланган оилаларнинг шахсий ва ёрдамчи хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлашга ҳам катта аҳамият бермоқда. Бу борада мамлакатимиз раҳбарининг 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳкон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим ўрин тутмоқда. Унга асосан жорий йилнинг шу даврига нисбатан 49 та субъект 443 миллион 600 минг сўмлик кредит билан таъминланди.

Банк филиаллари томонидан ажратилган сармоялар таркибида микрокредитлар миқдори, айниқса, салмоқлидир. Масалан, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга 3 миллиард 225 миллион сўм кредит йўналтирилди. Вилоят иқтисодиётини юксалтириш, аҳолининг иш билан банд бўлмаган қатламини иш билан таъминлаш, ижтимоий аҳволини яхшилаш мақсадида ҳар бир туман бўйича истиқболли ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилган ва ушбу дастурларнинг бажарилиши устидан доимий назорат йўлга қўйилган. Пировардида, Сирдарё шаҳридаги “Темур Мед Фарм” масъулияти чекланган жамиятига технологик асбоб-ускуналар сотиб олиш учун 5 йил муддатга 4 миллиард 785 миллион сўм инвестицион кредит берилди.

2010-2012 йилларда Ховос тумани ижтимоий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш Дастурига асосан банкнинг “Фарҳод” филиали томонидан “Расул Шафиқович” хусусий корхонасига алюминий ром ва эшиклар ишлаб чиқариш учун 3 йил муддатга 50 миллион сўм кредит маблағи берилди. Шунингдек, 2010 йилда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш давлат дастурига асосан 76 та субектга банк кредитлари йўналтирилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини, хусусан, фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш бугунги куннинг энг муҳим талабларидан биридир. Банк ва унинг филиаллари ушбу устувор масалага жиддий масъулият билан ёндашмоқдалар. Жумладан, банкнинг Гулистон шаҳар бўлими томонидан Ховос туманидаги “Балтика Вилнюс” фермер хўжалигига ғалла ўриш комбайни сотиб олиш учун 169 миллион сўм кредит ажратилди. Ҳозирги кунда бу фермер хўжалиги ажратилган кредитдан самарали фойдаланиб, кредит қарздорлигини қисман сўндиришдан ташқари ўзининг молиявий аҳволини яхшилашга ҳам эришди. Олинган техникадан унумли фойдаланиш ва агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши туфайли ер унумдорлиги ошиб, фермер хўжалиги даромадлари ўтган йилга қараганда 32 миллион сўмга ошди. Боёвут туманидаги «Баҳром Валиев» фермер хўжалиги 31 миллион 500 минг сўмлик кредит ҳисобига сут ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, аҳолига арзон баҳоларда етказиб бермоқда.

«Агробанк» филиаллари ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда нафақат кредитлар бериш, пул ўтказмаларини бажариш, балки пластик тўлов тизимини жорий этиш орқали бугунги куннинг энг самарали ва ишончли тўлов воситасини амалда қўллашни йўлга қўйди. Эндиликда унинг афзалликларини аҳолининг ўзи эътироф этмоқда. Шу сабабли банк томонидан тарқатилган пластик карточкалар сони 120 минг 257 тадан ошиб кетди. Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида бошқарма савдо ва пуллик хизмат кўрсатувчи 717 та ташкилотга терминаллар ўрнатиши натижасида қўшимча қулайликлар яратилди. Яъни, банк хизмат кўрсатадиган нақд пул тушумига эга бўлган ташкилотларнинг 94 фоизи терминаллар билан таъминланди ва вилоят аҳолиси савдо, пуллик хизмат, коммунал ва бошқа тўловларни электрон ҳамён орқали муаммосиз амалга ошириш имкониятига эга бўлди.

2011 йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб номланиши банк муассасалари зиммасига ҳам катта масъулият юклади. Вилоятдаги мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, қулай шароитлар яратиш мақсадида махсус чора-тадбирлар белгилаб олинди. Шунга кўра, бу йил жами 23 миллиард 100 миллион сўм кредит маблағи ажратилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, Давлат дастурига мувофиқ 132 та лойиҳа молиялаштирилиши кўзда тутилган. Ҳозирга келиб улардан 21 та лойиҳа 450 миллион 200 минг сўмга тўлиқ молиялаштирилди ва 179 та иш ўрни яратилди. Жумладан, тикувчиликни ривожлантириш соҳасида 9 мижозга жами 167 миллион сўм кредит ажратилган бўлиб, туманлардаги машина-трактор парклари қошида тикув цехлари ишга тушди. Ушбу цехларда 95 киши иш билан таъминланди.

Озиқ-овқат ишлаб чиқариш соҳасида “Юлдузхон Бокирхон боқи” фермер хўжалиги томонидан банкдан олинган кредит ҳисобига Гулистон шаҳрида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Фермер хўжалигида қўшимча 10 иш ўрни вужудга келтирилди.

Сардоба туманида аҳолининг балиқ гўштига бўлган талабини қондириш мақсадида “Абдували Баҳодир ҳамкорлиги” балиқчилик фермер хўжалигига 45 миллион сўм кредит маблағи ажратилиб, 15 киши иш билан таъминланди. Шунингдек, “Азамат Гулистон Сервис” хусусий корхонасига 20 миллион сўм банк кредити ажратилди. Натижада Гулистон шаҳрида акфа ромлари тайёрлана бошланди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қувонарлиси, банк филиалларида маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, яқинда Сардоба филиали жамоаси ташаббуси билан банк қаршисидаги 1 гектар ташландиқ ер майдонига 550 туп мевали ва манзарали кўчат дарахтлари экилиб, янги боғ яратилди.

Бир сўз билан айтганда, “Агробанк” ОАТБ Сирдарё бошқармаси ҳамда унинг туман ва шаҳарлардаги филиаллари ходимлари юрт ободлиги, вилоят фермер ва тадбиркорларининг яратувчанлик ғояларини молиявий қўллаб-қувватлаш каби эзгу ишда ўз билим-салоҳиятларини аямасдан меҳнат қилмоқдалар.

**Ислом СУЛТОНОВ** ®

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

Эркин фикр

# Ҳар камчиликнинг ўз эгаси бор



**"Кино — мен учун журъат! Номига фильм олиш қийин. Бошимдан ўтди. 2004 йили тирикчилик деб, Москвада "Свой человек" номли телесериал олдик. Муҳими, қилган ишингиз юракда қандайдир из қолдириши керак экан".**

**Суҳбатдошимизнинг иқрори мени ҳайратга солди. Ижодкор ўз фаолиятини сарҳисоб қилар экан, яратган барча асарларини ўзининг ижодий мулкига қўшгиси келмади. Гарчи феъли бироз жиззаки кўринган, тиғдор фикрлари билан кишини бир қадар ҳайиқтирган бу режиссёрнинг бисотида осмон "болалари", японларни лол қолдирган қизалоқлар, эзгулик улашувчи "кичкина табиб"лар бор. Ҳа, англадингиз, бу — Зулфиқор Мусоқов. У ўз фильмларидаги ҳар бир эпизод, ҳар бир деталга алоҳида мулоҳазакорлик билан ёндашади. Шунинг учун бўлса керак, унинг қаҳрамонларини соғиниб кутамиз, қайта-қайта кўришдан зерикмаймиз...**

*Драматург Шароф Бошбеков: "ҳаётий асар" деб кўп гапирамиз. Чин ижодкор ўзи яратиши, ҳаётдан олмаслиги лозим. Ҳаётда содир бўлган воқеани "Яратдим!" дейиш, тўғри эмас", — дейди. Бугун эса, фақат ҳаётий сюжетлар эмас, балки асар сифатида тақдим этилаётган аксарият "ижод" маҳсулларининг ўзаро бир-бирини такрорлаши табиий ҳолга айланди. Яқинда бир гап қулоғимга чалинди: "Кичкина хўжайин" деб номланган экран томошаси намойишига қандай фильм олмаслик керак-лигини кўрсатиш учун рухсат берилибди...". Ажабо! Наҳотки, режиссёрлар "маҳорат мактаби"ни ўташ учун экранни суиистеъмол қилишлари керак? Бундай чиғириқлар экрангача босиб ўтилмасмиди? Ёхуд бу ҳам ўзини оқлашнинг бир кўринишимикин? Тўғри, атоқли ёзувчилардан бири "Энг ёмон ёзувчилар — менинг устозларим", деганида айни шу ҳолатга ишора қилган. Аммо саньат саройига келаётган томошабин фильмдан кўзланган асл "мақсад"ни ҳар доим ҳам тўғри илғай олармикан?*

*Зулфиқор Мусоқов билан суҳбатимиз кинонинг ана шундай оғриқли нуқталари, режиссёрнинг бугунги ўйлари ҳақида бўлди.*

**— Зулфиқор ака, Қамара Камолованинг "Бировнинг бахти", "Эртага чиқасанми?" номли фильмларида суратга тушган экансиз. Билишимизча, томошабинга сизнинг актёр сифатидаги фаолиятингиз қоронги.**

— У даврда кино мен учун ёшларга хос қандайдир ҳавас, бир эрмак эди. Бу, қани энди, кўчада мени биров таниса, деган бир талабалик касаллигидек гап. Сиз айтган роллар менинг ҳаётимда на бир катта мазмунга, на бир алоҳида ўринга эга. Уларни томошабингина эмас, ҳатто ўзим ҳам унутиб юборганман. Шундай экан, актёрлик тажрибаси ҳақида гапирсам, нокамтарлик бўлар.

Кинога муҳаббатим 9-синфда ўқиётганимда, уйимизнинг ёнида — Қумлоқ, Чувалачи кўчаларида Алексей Герман "Урушсиз 20 кун" номли фильмни суратга олаётган кунлари пайдо бўлган. Ҳатто, ўша кинода олисдан чопиб ўтиб, 6 сўм ишлаганман.

**— Фильмларингиздаги ҳар бир кўриниш, ҳар бир хатти-ҳаракатга ўйлаб, эҳтиёткорона ёндашасиз. Айниқса, болалар билан ишлашда. Бугун экрандаги жаҳолатни кўриб дахшатга тушади киши: пичоқ суқиш, бўғизлаш саҳналарини йирик кадрларда кўриш мумкин. Сизнинг фильмларингизда эса, бола уст-бошини қоқиб, қорнини чангаллаганидан мушт еганини англаймиз. Жараён томошабинга ҳавола этилмайди...**

— Ҳозир кўп "фильм"лар видео олувчи воситаларда суратга туширилади. Аслида уларни фильм деб аташ ҳам нотўғри. Ҳозир бундай ҳаваскорлик иллати бутун дунёда тенденцияга айланди. Очиғини айтганда, бугун фильм олаётган ҳавасмандларга пулдан бошқа ҳеч нарса керакмас. Аминманки, қўлбола кино ясовчиларга яхшироқ ҳақ тўлаб бошқа иш таклиф қилишса, эртагаёқ кинони йиғиштириб қўйишади. Бейсболка кийиб, монитورга қараб "Мотор!" деб бақиришни билган билан режиссёр бўлиб қолинмайди.

Биринчи фильмим "Абдуллажон"ни ўттиз бир ёшимда олганман. Унгача "Қалдирғоч", "Суд куни", "Аскарлар эртаги" каби қисқа метражли фильмлар ишладим. У вақтда катта кино ҳақида умуман ўйламагандим. Чунки саньат асари яратиш учун одамда қандайдир матонат, мен яратаётган фильмларим билан томошабинларнинг хулқини бузиб қўймаяпманми, уларнинг табиатига зид иш тутмадимми, деган истиҳола, қолаверса, ўша нарсага маънавий ҳуқуқ керак.

Телевидениеда кинога бағишланган бешта кўрсатув бор: "Кинотеатр", "Киномания", "Кинотақдим", "Афиша", "Кинокурьер". Сизни студияга таклиф қилишади-ю, фикрларингизнинг 90 фоизини кесиб ташлашади. Эфирнинг аксарият вақти тижорат томошаларига ажратилади. Олди-қочди фильмнинг актёр-режиссёрлари қолиб, қўйиб берса, қоровулини ҳам кўрсатади. Яширин реклама. Бунинг замирида эса, ўзингизга маълум, пул ётибди. Ҳар бир камчиликнинг ўз хўжайини бўлади.

**— Аммо борган сари дурустгина силжиш бордек. Биргина "Ўзбеккино" миллий агентлиги томонидан ўтказиладиган йиллик конференцияларни кузатиб бунга амин бўлиш мумкин. Жумладан, "Сув ёқалаб", "Постскриптум", "Сўнгги лаҳза", "Нариги соҳилда", "Қарздор", "Кечиккан ҳаёт" фильмлари...**

— Фарқ бор. Бироқ аксарият ютуқларимиз парадоксал ҳолатда қўлга киритилади. Ёлқин Тўйчиевнинг "Чашма" фильми намойиши олдидан: "Анча суст фильм бўлибди", деган фикрни айтишди. Мен: "Аввал ўзим кўрай, кейин ўз фикримни айтаман", дедим. Кўргач: "Кечирасизлар, ўртоқлар, бу — жуда яхши фильм. Фестивалларга юборадиган фильм. Олди-қочди эмас, одамнинг ички дунёси ҳақида..." дегандим.

**— Мавзуни қандай танлайсиз? Фильмларингизнинг сюжети бир-биридан тамомила фарқли.**

— "Лип" этиб чиқиб қолади. Бир мисол. Баҳодир Одилов менинг сценарийим бўйича "Даллол" фильмини суратга олаётганда, кинорежиссёр Жаҳонгир Қосимов билан суратга олиш майдончасига бордик. Бошқа ҳонага кириб "Бомба"нинг сценарийсини ёза бошладик. Ижодга ташна пайтимиз эдими, гоҳида қоғозга ҳам имкон тополмай, қалам билан эски газеталарга сценарийни қораладик. Қандай ёзилганини билмай ҳам қолдим. Бизнинг омадимиз — у даврда ўша сценарийнинг фильм бўлишига ишонувчи одамлар бор эди.

**— Фильмларингиз фантастик воқеаларни акс эттириши билан ажралиб туради. Аммо сўнгги "Ой остидаги ҳовли" фильмингиз ижодингизда янги бурилиш бўлди...**

— Биласизми, агар режиссёр сифатида ўн тўртта фильм яратган бўлсам, кўпчилик "Абдуллажон", "Бомба", "Кичкина табиб", "Яратганга шукр" фильмларини кўриб, мени хаёлий-фантастик фильмлар режиссёри, деб ўйлайди. Ваҳоланки, "Осмондаги болалар", "Ойижон" — реалистик фильмлар. "Ватан" умуман бошқа. "Қўрғошин" деб номланган навбатдаги фильмим эса мутлақо ўзгача йўналишда.

Японларда ҳар доим қоғозга битта расмни қайта-қайта солаверса, қалам ўтмаслашиб кетади, деган илмоқли гап бор. Шунинг учун мен маълум бир қолипга тушиб қолишни хоҳламасдим.

**— Саньат ва киносаноатнинг тафовутли ва муштарак томонларини нималарда кўрасиз?**

— Кино саноати йўқ бизда. Битта дискни чиқариб, касса олдида томошабинларни кутиб ўтириш бу ҳали кино саноати эмас. Бирорта хусусий киностудия катта плёнкада ишлай олмайди ҳали. Бу — катта, кўп поғонали жараён...

Мен хусусий киностудиялар фаолиятига мутлақо қарши эмасман, фақат сифат-савия масаласи, маданият масаласи у студияларда анча оқсоқ. Кино саноатини йўлга қўйиш — катта жараён. Унга босқичма-босқич эришилади.

*Тўғри, хусусий студиялар фаолияти — алоҳида катта мавзу. Уларда ишланаётган фильмлар орасида яхши асарлар учрашини ҳам инкор эта олмаймиз. Афсуски, улар саноқли... Томошабин бугун комедиядан (агар уларни комедия деб атай олсак) бошқа жанрни қабул қилолмаётгани ачинарли ҳолат. Эҳтимол, "Харидор ҳамиша ҳақ" нақлини эслатиб ўтарсиз... аммо саньат асари деб номланаётган маҳсулотни бозор қолипларига солиб қўйиш қай даражада тўғри бўларкин?..*

*Дарвоқе, Зулфиқор Мусоқов қиш мавсумида узоқ кутилган янги фильм устида иш бошлади. Урушдан кейинги йилларни акс эттирувчи ушбу фильм "Қўрғошин" деб номланган. У ижодкорнинг ўша даврга бўлган бадиий қараши, мушоҳадаси ва қарашлари ҳақида ҳикоя қилади. Фильмда Бобур Йўлдошев, Кристина Тоирова, Отабек Мусаев, Нигора Каримбекова, Фатхулла Маъсудов, Юрий Некрасов каби актёрлар суратга тушмоқда.*

*"Кино дунёси ва дунё киноси" майдонида икки тарафлама жанг кетаяпти: бири оломон эътибори учун, иккинчиси учун эса ўзининг интеллектуал салоҳиятини синовдан ўтказадиган ижодий лаборатория. Лекин бу курашда биринчи майдон анча кенгроқ, жараёнлар шиддатлироқ. Ана шундай вазиятда ҳам ўз диди ва имкониятларидан оқилона фойдалана олаётган ижодкорларимизнинг борлиги ўзбек киночилигининг ютуғидир.*

**Забаржад БОБОЖОНОВА**
**суҳбатлашди**

Сиз нима дейсиз?

## Либосга бурканган «бахт»

Зарифа билан Одилжон ота-оналарининг хоҳишистагига биноан учрашишди. Икки ёш бир-бирига маъқул келди. Шу сабабли тўй қилишга келишилди. Ҳаммаси рисоладагидек кетаётган эди. Бироқ тўй яқинлашганда ўрталарида бир низо чиқди.

— Шу уч юз долларлик кўйлакнинг ўрнига бошқасини олсанг-чи! Бир кунлик тўй ўтади-кетади, — деган Одилжонга Зарифа қўрслик билан:

— Тўй инсон ҳаётида бир марта бўлади. Дугоналарим бундан ҳам қимматроғини кийишган, — дея жавоб қайтарди...

Орага совуқчилик тушди. Аслида бир неча соат кийиладиган либос янги барпо этилаётган оила ришталарининг дарз кетишига сабаб бўлди. Афсуски, бундай нохуш ҳолатлар кейинги пайтда тез-тез учрамоқда.

Онамнинг айтишича, улар ёш келин бўлган пайтларида бир маҳалла қизлари оқ либосни алмашиб кийишган ва ўша даврларда тўй кўйлакларининг аксарияти узун ва танани ёпиб турадиган, кийиш учун анча қулай бўлган экан. Ҳозир эса бунинг мутлақо акси. Бахт гўё оқ либос билан ўлчанадигандек, айрим қизлар энг сўнгги урфдаги кўйлакларни кийишга интилмоқдалар.

Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади. Биз таърифини келтираётган янги урфдаги елка қисми батамом очиқ бўлган келин либосда ўзбек қизининг ўз ота-онаси, қайнота-қайнонаси ва меҳмонларга таъзим қилишининг ўзи хунук ҳолат. Ўзбекона урф-одатлар асосида ўтадиган тўйларда келинлар меҳмонлар қаршисига миллий, ўзбекона либосларда чиқса, қанчалар чиройли бўлишини тасаввур қилинг-а.

Яқинда бир никоҳ тўйида қатнашдим. Тўйхонага келинкуёвнинг кириб келиши ўзгача файз бағишлади. Ҳамма беихтиёр ўрнидан туриб икки ёшни олқишлаб қарсак чалди. Аммо шу пайт келин ҳаяжонда ерга судралиб келаётган оқ кўйлагининг этагини босиб олиб қалқиб кетди. Бунинг устига бир пой туфлиси ҳам оёғидан чиқиб кетди, шекилли, тўйхонанинг ўртароғига бориб келин юришдан тўхтади. Куёвга нимадир деди. Шу дам куёв эгилиб келиннинг этаги остидаги туфлини пайпаслаб қидира бошлади. Бўлди кулги, бўлди кулги... Бу ёғини айтмай қўя қолай...

Ана шунга ўхшаш ноқулайликлари борлиги сабабли ҳам бугун келин либослари ҳақидаги мавзу кўп тилга олинмоқда. Кимдир замонавий келин либосларини ёқласа, кимдир миллий либослар кийиш тарафдори. Аммо масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, замонавий либослар ўта қиммат. Шу боис, ёш келин-куёвлар ўртасида турли келишмовчилик, тушунмовчиликлар юзага келмоқда. Бу фикрларни ёзишдан олдин Тошкентдаги бир неча тўй либослари салонида бўлиб, оқ кўйлакларнинг нархи билан қизиқдик. Қайси салонга кирмайлик, ходимлар ўз либосларини оғиз кўпиртириб мақташди. Албатта, буни табиий ҳол сифатида қабул қилдик. «Либослар Украина, Германиядан келтирилган. Агар янги, ҳеч ким киймаганини олмоқчи бўлсангиз, мана, буни кўринг» дея нархи осмонда бўлган кўйлакларни кўрсатишди. Шаҳримиздаги «Сабрина» салонида уч юз мингдан бир миллион сўмгача бўлган либослар таклиф этилаётган бўлса, «Шарм» тўй либослари салонида соч турмаги ва макияж хизматларини қўшиб ҳисоблаганда уч юз доллардан беш юз долларгача баҳоланмоқда. «Насиба» салонида ҳам нархлар худди шундай экан. Энг сўнгги урфдаги либосларнинг қиймати икки баробар қиммат бўлишини салон ходимлари алоҳида таъкидлашди. Ўйлаб кўрсак, битта либоснинг пулига қанча кишига тўй бериш ёки кўплаб хайрли ишларни амалга ошириш мумкин.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Европача урфдаги либослар билан бир қаторда келин-куёвларга ўзбекона либослар ҳам таклиф этилса, айни муддао бўлар эди. Бир эслаб кўринг-а. «Чимилдиқ» фильмидаги келинчакнинг либоси оддий, лекин унинг ўзбек қизларига хос ҳаёси қаршисида бу оддийлик ҳам бетакрор кўринади. Бу бетакрорлик эса том маънодаги гўзаллиқдан нишона.

Қон-қонимизга сингиб кетган миллий қадриятлар, урф-одатларга ҳурмат минг йиллардан буён яшаб келмоқда. Уни борлигича сақлаш, келгуси авлодларга гард ҳам теккизмасдан етказиш бизнинг энг олий бурчимиз. Шундай экан, европа либосларининг гўзал одатларимизга путур етказишига йўл қўймаслигимиз керак. Зеро, бахт оқ либос билан ўлчанмайди.

**Маъмура ЁҚУБОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

Ажаб савдолар

*Турине, суд келяпти! Бу сўзларни ҳеч бўлмаса киноларда эшитганмиз. Бугун мен ҳам умримда биринчи марта ҳақиқий суд жараёнида иштирок этяпман. Бир йил ўтмай яқин ўртоғимнинг турмуши бузилиб турибди. Бу бинода қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар оқланса, яна кимларнинг жирканч қилмишлари фош бўлади. Бу-ку яхшидир-а, аммо суд деганларида неча-нечалаб оилаларнинг тақдири ҳал бўладида. Норасида ёўдаклар пешонасига етим деган тамға босилади. Эр билан аёл эне катта жазога — ёлғизликка маҳкум қилинади. Эҳтимол, ҳали ҳам кеч эмасдир, ҳали ҳам аризани қайтариб олса бўлар.*

# Уйланмасдан ажрашдим

Бугун хотини билан ажрашаётган ўртоғим менга насиҳатомуз шундай деди: "Ҳеч қачон оила қураётганда ва йўлдан ўтаётганда шошилма. Турмуш қураётганда шошилсанг бир умр ўлишни истаб ўтасан, кўчадан ўтаётганда ҳовлиқиб қўйсанг, истамасанг ҳам ўлиб кетаверасан". Буни қайсидир китобда ўқиганми, ё ўзи тўқиганми, ҳар ҳолда ҳақиқатга яқиндай туюлди.

...Уйланиш важидан кўп қизларни кузатдим. Бирини ўпоқ, бирини сўпоқ деб юраверганимдан сўнг ота-онамнинг тоқати тоқ бўлди, шекилли, жиловни ўз қўлларига олишди. Талаб жиддий. "Уйлансанг ҳам, уйланмасанг ҳам шу қизни танладик, тамом!" дейишди. Энди нима қилмоқ керак? Албатта учрашмоқ лозим.

Минг дидингдаги қиз бўлмаса ҳам бунақанги учрашув одамга мойдай ёқаркан. Қизнинг бир кафт келадиган суратини олдим-да, йўлга тушдим. У суратга шундай чиройли тушган эканки, кўриб ич-ичимдан қувониб кетяпман. Ўзимни шу тобда дунёдаги энг бахтли, манглайи ярқираган йигит деб билиб, ҳайқирворай дейман. Ниҳоят топилди-я, ниҳоят! Ота-онам билади-да, барибир кўпни кўрган одамлар...

Ширин хаёллар оғушида қиз ўқийдиган университетга ҳам етиб қўйибман. Яна хаёлларга ўзимни топширамман. "Мана, у ҳозир чиқади. Салом дейман, йўғ-э, қалайсиз десам-чи? Бўлмайди. Ранжитиб қўймай тағин." Шу маҳал ақлим ширин ўйларим билан баҳслаша бошлади. Қизни бироз кузат, деди. Э, ақл сенга ҳам қойилмасман-да, нима қиласан ҳар нарсага бурнингни суқавериб, а?! Аммо у ҳақ эди. Тўғри-да, бундай юриш-туришини, гапсўзларини, одамлар орасида ўзини қандай тутишини ҳали билмайман-ку.

Хаёлларим билан баҳслашиб турсам, узоқдан, қизлар орасидан менга таниш чеҳра кўринди. Юрагим ҳапқириб кетди. Қурмағур, ҳеч бунақа урмасди-я! Унинг қизлар орасидан чиқиб бўй-басти кўрина бошлаганда, юриш-туришини кўриб бироз ҳафсалам пир бўлди. Мини юбкадалиги ғашимни келтирди. Уйлансанг-у, кейин ҳам шунақа кийиниб юраман, деса нима бўлади? Шу дам хонанда Алишер Файзнинг "Ёмон қўрқдим, ёмон қўрқдим-а!" деган қўшиғи ёдимга тушиб, кўраётганларим туш эмасмикан, деб ўйладим. Йўқ, ўнгим эди. Аллома шоиримизнинг "Кўзим чиқсин, сени кўргунча бундоқ" деган иборалари тилимга келди. Ҳа, унаштирилгандан сўнг ўзим ётиғи билан тушунтирарман. Ҳозир дугоналари таъсирида шундай кийиниб олгандир, дедим-да, ўзимни қўлга олиб, орқасидан эргашдим. У тўғри автобус бекати томон юра бошлади. Худога шукр, ўзимиздан экан.

Озроқ вақт автобус кутишга тўғри келди. Шу пайт у оғзидаги сақични бир шиширган эди, бежирим бурни остида оппоқ, теннис шарига ўхшаган бир нима пайдо бўлдию, аллатовур бўёқдан қай рангда эканини билиш мушкул бўлган дудоғига ёпишиб қолди. Хаёли автобусда бўлса керак, деб бунга ҳам кўндим. Автобус келди. Чиқдик. Бир пайт тиқилинчда ёнма-ён туриб қолдик. Қизгинанинг телефони жиринглаб қолди. "Алл-у-у! Вой дугонажон... нима, ойим-а, нега қўймасканлар, барибир бораман. Э, ўзи-чи, кеча ойим билан маза қилиб уришдим. Йигирмага киряпман... Дадамми, ўйда, касаллар, тўшакдан туролмайди, инжиқ чол бўп қолдилар..." Шунча муаммоси бор экан, бемалол завқланиб гапираётгани жаҳлимни чиқарди. Бас, деб бақирворгим, телефонни автобус ойнасидан улоқтириб, шу матоҳни ўйлаб топган одамни бўралаб сўкким келди. Бироқ ота-онамнинг талаби-чи, у нима бўлади? Ота-онам маъқуллаб

турган қизни рад қилсам, уларни менсимай қўйган бўлмайманми? Уларга ўзимни ақлли ва бир қадар такаббур қиёфада кўрсатиб қўймайманми? Ичимдаги қарама-қаршилик лаҳза сайин мени мавҳ эта бошлади. Бора-бора қизнинг гапи ҳам меъёр билмай бораверди. Кеча кимдан манти қозон олганию, неччи дона манти пиширгани, кимдан қанча қарзи бору, отаси қиммат укол-дорилар олаётгани, отаси нафақасидан унга саёҳат учун пул беришга мажбур эканини қайта-қайта сўзлади. Охири, чидаб туролмадим, бор-е, дедиму автобусдан тушиб кетдим.

Наҳот, инсон шу даражада майдалашиб кетди. Наҳот, телефон оила сирларини достон қилиш, муқаддас она тилимизни шу даражада хунук ва жозибасиз қилиб қўйиш учун яралган бўлса. Яхшиям телефон бор экан, дедим сўнг ўзимга-ўзим. Ахир, бўлажак умр йўлдошимнинг кимлигини билиб олганим қолди-ку.

Ўзимга келиб атрофга разм солсам, судья жаноблари ҳукмни ўқишга чоғланиб турган экан. Демак, аризани қайтариб олишга кеч бўлибди. Эр-хотин шунча одамнинг олдида ажрашишга сабаб бўлган баҳоналарни қалаштириб, бир-бирларини эринмай ҳақорат қилиб туришибди. Шундай қилиб, суд ҳукми ўқилди. Қонуний ажрашиш ҳам ҳал бўлди-қўйди. Бола онанинг тарбиясига ўтармиш, ота эса вояга етгунча моддий ёрдам кўрсатиб туриши керак, тамом. Мен эса суд-пуд қилиб ўтирмадим. Автобуснинг ўзидаёқ шартта уйланмасдан ажрашиб қўя қолдим...

**Баҳодир БАҲРОМ**

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

# МАДАНИЯТ

**9 апрель — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун**

# Тақдир ғаройиботлари

## ёки тарихнинг такрорланиши

*Соҳибқирон Амир Темур авлодлари давлат ва жамоат арбоблари, шоир, санъаткор, ҳуснихат соҳиблари сифатида тарихда ўчмас из қолдирганлар. Аммо улардан Соҳибқироннинг иккинчи фарзанди — Умаршайх Мирзо (1356-1394) ва чеваласи Умаршайх Мирзо (1456-1494)ларнинг тақдирлари иттифоқо ниҳоятда ўхшашдир. Мана, ўзингиз хулоса чиқаринг.*

Биринчи Умаршайх Мирзо 1356 йили Шаҳрисабзда туғилган. У ёшлигидан моҳир чавандоз ва мард жангчи бўлиб етишган, муҳорабаларда кўрсатган жасурлиги ва қаҳрамонлиги учун баҳодир унвонига сазовор бўлган. Истилочиларга қарши олиб борилган кўпгина жангларда фаол қатнашиб, истеъдодли саркардалар қаторидан ўрин олган. 1393 йил Амир Темур Умаршайхни Форс вилояти учун масъул этиб тайинлайди. Бу пайтда у ерда ҳар бир қалъада бир ҳукмдор бўлиб, улар бир-бири билан тўхтовсиз жанг қилар, аҳоли бундан безган ва ночор аҳволга тушиб қолган эди. Соҳибқирон бу диёрда барқарорликни ва карвон йўллари хавфсизлигини таъминлашни мақсад қилгани учун шундай йўл тутган бўлиши аниқ.

Отасининг топшириғи билан Умаршайх Истахр, Фарак, Шаҳриёр ва бошқа қалъаларда ўз назоратини ўрнатиб, Саржон қалъасини қамал қилади. Айни шу чоғда Амир Темур Миср ва Шом сари юришга чиққан бўлиб, Диёрбакр томон қўшин тортган эди. Шу боис, Соҳибқирон уни ўз ҳузурига чақиради. Умаршайх Мирзо Саржон қалъасини қамал қилиш амалиётини амир Идику барлосга топшириб, ўзи Шерозга келади. Бу ерда у ишончли амири – Севинчакни Форсдаги ишлар учун мутасадди қилиб, ўзи отаси қошига йўл қолади. Бағдоддан тўрт манзил масофадаги Курдистон ҳудудидан ўтиб бораётганида йўл чеккасидаги Хармоту қалъасига дуч келган Умаршайх ушбу қалъани кўздан кечириш мақсадида бир тепаликка чиқади. Шу пайт қалъа ичидан отилган ногаҳоний камон ўқи унинг қулоғи остига қадалади ва шу заҳоти оламдан кўз юмади. Бу воқеа 1394 йилнинг 16 январь куни содир бўлган. Бу пайтда Умаршайх Мирзо ҳали 40 ёшга тўлмаган эди.

Умаршайхдан беш ўғил — Рустам Мирзо, Искандар Мирзо, Аҳмад Мирзо, Саид Аҳмад Мирзо ва Бойқаро Мирзолар қолган эди. Кейинчалик улардан бири — Саид Аҳмад Мирзо машҳур шоир бўлиб етишади. "Таашшуқнома" номли ажойиб лирик достон яратади. Бойқаронинг набираси Ҳусайн Бойқаро (1438-1506) эса машҳур давлат арбоби ва шоир, Алишер Навоийнинг дўсти ҳамда ҳомийси сифатида тарихда из қолдиргани яхши маълум.

Орадан 100 йил ўтгач, яъни 1456 йили темурий Абу Саид Мирзо хонадонида ўғил туғилади. Машҳур аждодларини хотирлаб, унга Умаршайх деб исм қўядилар. Анъанага кўра, у ҳам давлатдорлик ва жанг санъатини пухта ўрганади.

Абу Саид Мирзо ибн Султон Муҳаммад Амир Темурнинг эвараси, Мироншоҳнинг набираси. У 1451 йили Самарқанд тахтини эгаллаган. Тошкентдан пири — машҳур тасаввуф шайх Хожа Аҳрорни Самарқандга таклиф қилган. Унинг маслаҳати ва кўмаги билан давлатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатган. Орадан кўп ўтмай Хуросонни ҳам эгаллаган. Натижада Амир Темур салтанатининг катта қисми унинг тасарруфига ўтган.

Абу Саид Мирзо Шарқий Туркистон хони Юнусхон билан бирга ўсган, яқин дўст сифатида у билан қуда-анда бўлган эди. Юнусхоннинг уч қизи Абу Саиднинг уч ўғлига — Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд ва Умаршайхга турмушга берилганди. 1468 йили Абу Саид вафот этгач, Султон Аҳмад Самарқандда, Умаршайх Фарғонада, Султон Маҳмуд эса Ҳисор, Қундуз ва Бадахшонда ҳукмдорлик қилдилар.

Энди мақоламизнинг асосий мавзуси бўлган Умаршайх тақдирига қайтайлик. Сал улғайгач, Абу Саид Мирзо унга дастлаб Кобул вилоятини бошқаришни топширади, бироқ ҳали ёш бўлгани боис Бобойи Кобулийни "бек атка" қилиб тайинлайди. Аммо тез орада мирзоларнинг хатна тўйини ўтказиш муносабати билан отаси уни Самарқандга қайтаради. Тўйдан кейин Абу Саид Мирзо Умаршайхга Андижон вилоятини бошқаришни топширади. Бу гал унга Худойберди Темуртошни "бек атка" қилиб тайинлайди. Кейинчалик акаси Султон Аҳмад Мирзо унга Тошкент билан Сайрамни ҳам беради. Шоҳруҳияни эса Умаршайхнинг ўзи эгаллаб олади.

"Бобурнома"да қайд этилишича, Умаршайх Мирзо ўрта бўйли, пахмоқ соқолли, юмалоқ юзли, тўла киши бўлган. Соф эътиқодли мусулмон сифатида беш вақт намозни канда қилмас, Хожа Аҳрорни ўзига пир санар, унинг кўпдан-кўп суҳбатларида қатнашган эди. У хушхулқ, саховатли ва мард инсон сифатида обрў топганди.

Умаршайх Мирзонинг севимли машғулотларидан бири — каптарлар парвариши бўлган. 1494 йилнинг 9 июнида баланд қоя устида каптар учираётганида қоя тўсатдан ўпирилиб кетади ва каптархона билан бирга жарга қулаб, ҳалок бўлади. Бу пайтда у 40 ёш атрофида эди.

Умаршайх Мирзонинг фарзандларидан бири — Заҳириддин Муҳаммад Бобур машҳур шоир, саркарда ва давлат арбоби бўлиб етишади.

Тарихнинг бундай такрорланиши хусусида фикр юритсангиз, халқимиз урф-одатларида сақланиб қолган баъзи иримларнинг бежиз эмаслиги аён бўлади. Нима бўлганда ҳам, инсон ҳамон мозий мўъжизалари қаршисида лол қолиб келмоқда.

**Носир МУҲАММАД**

**Китобхонлик**

## "Амир Темур ҳақида ҳикоялар"

*Ёш авлодни ватанга муҳаббат, катталарга ҳурмат-иззат руҳида тарбиялашда, уларнинг келгусида комил инсонлар бўлиб етишишларида китобнинг, айниқса, буюк аждодларимиз, шоиру алломаларимиз ҳақидаги китобларнинг аҳамияти жуда катта. Бундай китоблар ёшлар қалбини шавқ ва ғурурга тўлдириш билан бирга, уларнинг ота-боболаримиз амалга оширган бунёдкорлик ишларига бўлган қизиқишларини оширади.*

"Ўзбекистон" нашриётида чоп этилган "Амир Темур ҳақида ҳикоялар" деб номланган китобни ўқиб чиқиб, (тўпловчи ёзувчи Тўлқин Ҳайит, муҳаррир Барно Худоёрова) Соҳибқирон бобомизнинг қалб кечинмаларини юрақдан ҳис этдим, қайтадан кашф қилдим.

Тўпламдан ўрин олган ҳикояларда Амир Темурнинг инсоний фазилатлари, ўй-кечинмалари содда ва равон тилда баён этилган. Китоб чин маънода барча ёшдаги китобхонларга ажойиб совға бўлган. У, айниқса, ўқувчилар, талабалар учун ниҳоятда керакли манбадир.

Китобхон "Энг улуғ, энг азиз" танлови ғолиби бўлган бу тўплам билан танишар экан, Соҳибқиронгагина хос бўлган хислат ва фазилатларни саҳифадан саҳифага кашф этиб боради. Ҳаётнинг турли-туман синовларига одилона мушоҳада юритиш орқали жавоб берганига гувоҳ бўлади. "Тилхат", "Қарз", "Амир Темурнинг оврўпалик "ўғли" каби ўн беш ҳикояда бири-бирига ўхшамаган воқеа, ҳодиса ва ҳолатлар қаламга олинади. Бу ҳикояларнинг барчасида Соҳибқироннинг буюк қалб эгаси бўлгани тараннум этилади. Маърифат ва меҳрнинг нақадар буюк куч-қудрат экани, Амир Темур мана шундай куч-қудрат эгаси экани юксак бадиий маҳорат билан очиб берилади.

Ўйлаймизки, китоб барчага манзур бўлади.

**Абдураҳмон АКБАР,**
**болалар шоири**

**Спорт**

### «БУНЁДКОР» ҒОЛИБ ЧИҚДИ

**«Бунёдкор» клуби матбуот хизмати тарқатган хабарга кўра, жамоанинг 2000 йилда туғилган ёш футболчиларидан ташкил топган таркиби Россиянинг Сочи шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда бош совринга эга бўлди. Учинчи бор ўтказилган мазкур турнирда Россия, Ўзбекистон, Озарбойжон, Украина ва Қозоғистондан жами 162 жамоа саккиз гурухда ғолиблик учун куч синашди.**

«Бунёдкор»нинг 10-11 ёшли футболчилари «А» гуруҳида тўрт учрашув ўтказиб, уларнинг барчасида ғолиб чиқди. "Знамя" (Ногинск) 4:0, "Сочи" (Сочи) 2:1, "Ижорес" (Санкт-Петербург) 6:0, "Рамзан академияси» (Грозний) 2:1 ҳисобларида мағлуб этилди.

Халқаро турнирнинг финал учрашувида ёш футболчиларимиз «В» гуруҳи ғолиби — Доғистоннинг «Победа-1» жамоасига майдонга тушдилар. Ҳал қилувчи беллашувнинг асосий вақтида дуранг (2:2) натижа қайд этилгани боис ғолиб пенальтилар сериясида аниқланди. Унда омад «Бунёдкор»нинг ёш футболчиларига кулиб боқди.

### РЕКЛАМА МАЙДОНЧАЛАРИ АУКЦИОН САВДОСИДА

**«The Guardian» газетасининг ёзишича, 2012 йилда Лондонда бўлиб ўтадиган олимпиаданинг реклама майдончалари интернет-аукцион савдосига қўйилди. Таклиф этилаётган майдончаларнинг бошланиш нархи 250 миллион фунт стерлинг этиб белгиланган.**

Аукционда 34 та йирик реклама агентлиги томонидан тўрт мингдан ортиқ реклама пакетлари таклиф этилмоқда. Ушбу пакетларга барча турдаги майдонлар, яъни мусобақалар ўтказиладиган ҳудудга яқин бўлиш имкониятини берадиган билборд ва афишалардан тортиб, то метро ва аэропортлар рекламаларигача ўрин олган. Реклама пакетлари сотуви Лондон ва олимпиада мусобақалари ўтказиладиган тўққизта шаҳарни қамраб олган. Аукцион ҳар куни эрталаб саккизда бошланади.

Ташкилотчиларнинг фикрига кўра, олимпиададан англияликлар 2,5 миллиард фунт стерлинг фойда олиши мумкин. Бу эса 3,2 миллиард доллардан кўпроқ деганидир.

### СОЛИҚ ТЎЛАМАГАН ЧЕМПИОН



**Оғир вазнда жаҳоннинг собиқ чемпиони америкалик кичкина Флойд Мейвезер муаммолар гирдобида қолди. Бу ҳақда www.BoxingScene.com сайти хабар тарқатди.**

Хабарда келтирилишича, ушбу боксчи 3,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги фойда солиғини тўламаган. Мазкур сумма 2009 йилдан бери спортчининг бўйнида қолиб келмоқда. Ушанда кичкина Флойд Мейвезер охирги марта рингга чиқиб, рақиби — мексикалик Хуан Мануэл Маркесни мағлубиятга учратган ва 25 миллион доллар фойда олишга эришганди.

**Азим РЎЗИЕВ**

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд
ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!
Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz



HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

| | | | |
|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси — | 8-361-505-19-11 | Қашқадарё — | 8-375-357-75-10 |
| Андижон — | 8-374-250-90-39 | Сурхондарё — | 8-376-396-30-59 |
| Бухоро — | 8-365-592-85-02 | Фарғона — | 8-373-215-80-58 |
| Самарқанд — | 8-366-233-62-12 | Хоразм — | 8-362-291-48-44 |
| | | Навоий — | 8-436-742-78-70 |

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 21 30

® — тижорат белгиси.

Адади: 8678 Буюртма — Г-426 123 3